Способность атома водорода образовывать две химические связи была впервые обнаружена Ильинским и Бекетовым в 80-х годах XIX в. Позднее это свойство водорода рассматривалось Вернером и рядом других исследователей. Понятие о водородной связи утвердилось в науке лишь после работы Латимера и Родебуша [1].


H -связь, широко распространяясь, сильно влияет на свойства не только воды, но и многих других веществ. Водородная связь, подобно другим химическим связям, образуется только при непосредственном контакте между молекулами. Положение водородной связи в молекуле и направление ее действия фиксированы, хотя и не столь жестко, как для сильных химических связей. Водородная связь может образовываться не только легким изотопом водорода (H), но и тяжелым водородом-дейтерием D [2].

С улучшением методов исследования выяснилось, что круг атомов, способных участвовать в образовании H -связей, очень широк. В качестве атома X может фигурировать любой атом, образующий с водородом обычную химическую связь: фтор, кислород, азот, хлор, бром, сера, фосфор, углерод и т.д. Изменение энергии системы при образовании этих связей составляет около $4 \frac{\text{кДж}}{\text{моль}}$. Роль Y могут выполнять и ароматические циклы

углерода, группы $\text{C}=\text{C}'$, $-\text{C}\equiv\text{C}-$, $-\text{C}\equiv\text{N}$ и т.д.

Молекулы четыреххлористого углерода способны принимать участие в образовании слабых водородных связей $X - H \dots Cl$.

Если в системе имеются не только слабые, но и сильные H -связи с энергией порядка $20 \frac{\text{кДж}}{\text{моль}}$, то слабые водородные связи обнаружить труднее. Влияние сильных связей на свойства системы относительно велико, и присутствие слабых H -связей обычно остается незамеченным. Поэтому группы $C-H$ молекул алканов и алкильных радикалов не могут образовывать H -связи. Например, когда обсуждают свойства растворов метилового спирта в воде, то, как правило, упоминают лишь о связях вида $O - H \dots O$ между молекулами H_2O , CH_3 и между молекулами воды и спирта:



Здесь связи $O - H \dots O$ имеют энергию около $20 \frac{\text{кДж}}{\text{моль}}$. В этих раство-

кабул қилади.

Педагогиканинг аксиологик аспектини ташкил қилувчи кадрятлар тизими қуйидагилардан иборат: шахсни ижтимоий соҳадаги ролини аниқлаш билан боғлиқ бўлган кадрятлар; мулоқот жараёнидаги талабни қондирувчи кадрятлар; ижодий индивидуалликни ривожлантиришга йўналтирилган кадрятлар; амалий имкониятларни қондиришга имкон берадиган кадрятлардан иборат.

Умуммиллий ва умуминсоний кадрятларни тарбиялаш аънаналарининг илдизлари инсоният маданиятининг теран манбаларига бориб тақалади. Протагор ва Это барча нарсаларнинг ўлчови – инсон, дея таъкидлашса, Суқрот қаҳрамонлик, адолатлилик каби тушунчаларни аниқлади ва умумлаштирди. Афлотун сезги, ирода ва ақли тарбиялашга эътиборни қаратади, Аристотель эса жасурлик, чидамлилик, адолатлилик, юқори интеллектуаллик ва ахлоқий покликни тарбиялашга чақирган. Педагог И.Г.Пестолоцци тарбиянинг бошқа томонлари билан бирга болаларда ҳақиқий инсонпарварлик, инсонларга нисбатан муҳаббатни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратади.

Шунга қарамадан, тарбия билан боғлиқ муаммолар айтарли даражада ўз ечимини топаётгани йўқ (бу турли диний оқимларга кўр-кўрона эргашиб кетиш, давлат ва жамиятга ёт бўлган турли ғояларга қўшилиш кабиларда намоён бўлмоқда). Бунинг асл сабаби ўқитувчиларда касбий компетенциянинг етишмаслиги эмас, балки кадрятларнинг ёшларда тўғри шакллантирилмаётганлигида, уларнинг талқини жамиятнинг барча аъзоларига, токи қуйи қисмларигача етиб бормаётганлигидадир, деб биламиз.

Қадрятларга йўналтирилган таълимнинг мақсади – табиат, ижтимоийлик ва маданият билан уйғун бўлган яхлит маърифатли-маданиятли инсонни тарбиялашдир. Таълим жараёнига тегишли бўлган қуйидаги тушунчаларни келтирамиз: инсонпарвар шахсни тарбиялаш (ҳамдард, яхшилик қилувчи ва бошқ.); эркин, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялаш (онглилик даражаси юқори, мустақил қарор қабул қилувчи ва бошқ.); маданиятли инсонни тарбиялаш (она тили ва хорижий тилларни, адабиёт, тарихни ва бошқаларни биладиган); ижодкор шахсни тарбиялаш (интеллектуал ривожланган, билим, кўникма ва малакаларга эга ва бошқ.); маънавияти бой шахсни тарбиялаш (билимга, гўзаликка ва шу кабиларга бўлган интилиш); ахлоқли шахсни тарбиялаш (миллат ва Ватан олдидаги бурч, виждон, инсон ҳақ-ҳуқуқларига ҳурмат билан қараш кабилар).

Бизнингча, умуммиллий ва умуминсоний кадрятлар барча умумий ўрта таълим мактаблари предметлари методикасининг асоси бўлиши лозим. Қадрятларга йўналтирилган таълимнинг асосий ўзига хослиги шундаки, у процессуал шакллардан, яъни методика, технология, шакллар ва бошқалардан айри ҳолда тақдим этилиши мумкин эмас. Четдан бериладиган стандарт компонентлардан ташқари, кадрятларга йўналтирилган таълимнинг мазмунида субъектлараро муомолага тегишли, таълим жараёнидан ажратиб бўлмайдиган эмоционал кадрятлар, шахсий элементлар ҳам иштирок этади.

Таълимнинг алоҳида функцияси шундан иборатки, ўз мазмунига кўра, ахлоқли, маънавиятли, эстетик дидли, иқтисодиётни тушунадиган, атрофимиздаги оламнинг экологик тозалигига ва бошқа томонларга эътибор

УМУММИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ
ТАЪЛИМ- ТАРБИЯНИНГ МУАММОСИ СИФАТИДА

Шодиев Р.Д., Ҳайтова Ю. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: ижтимоий, маънавий, маданият, тарбия, умуминсоний, умуммиллий, қадрият.

Инсон билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳар доим фанларнинг асосий муаммоси бўлиб келган, шунингдек, шахс тушунчаси билан боғлиқ ҳолатлар педагогиканинг асосий масаласи ҳисобланади. Бугунги кунда педагогнинг амалий вазифалари нафақат билим, кўникма ва малакаларни ёш авлодда шакллантириш, балки боланинг барча мавжуд кучларини аниқлаш ҳамда ривожлантириш, ўз-ўзини тарбиялашни шакллантириб бориш лозимлигини уқтириш сингарилар ҳам киради.

Ҳозирда шахсга йўналтирилган таълим назариясининг ривожланиши яққол кўзга ташланмоқда. У инсонлар орасида адолатлилик, яхшилик қилиш, яхши муносабатда бўлиш кабиларни инсонда тарбиялашга йўналтирилган умуминсоний қадриятларга тааллуқли барча тушунчаларни ёшлар онгига сингдириш долзарб вазифалардан саналади. Гап шахсни шакллантириш ҳақида борар экан, ўз-ўзидан таълим-тарбия ва уни ривожлантиришдаги муносабатлардан асосий эътиборни қайсиларига қаратиш лозим деган қонуний савол туғилади. Илгари фақат таълим-тарбия ҳақида фикр юритган бўлсак, бугунги кунда энг асосий эътибор таълим ва ривожланиш масалаларига қаратилгандир. Зеро тарбия шахснинг маънавий жиҳатдан ривожланиши ҳамдир.

Ижтимоий ва маънавий қадриятлар “адолат”, “гўзаллик”, “яхшилик” ва шу каби тушунчалар орқали шакллантирилиб, уни инсоният маданиятининг тажрибаси натижасида тўпланган изчиллик фактори сифатида қараш мумкин. У барча авлодлар учун қадриятларнинг етакчи категорияларини аниқлайди. Маданият инсониятдан ташқарида мавжуд бўлмайдиган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Унинг имкониятлари, муомала шакллари ва фаолият турлари турли қадриятларни шакллантиришга йўналтирилган бўлади.


Бизни халқ анъаналарини ёшларга сингдириш, жамият ва алоҳида олинган шахснинг ривожига билан чамбарчас боғланган умуминсоний қадриятларни асровчи маданиятнинг тарбиявий-таълимий аспекти қизиқтиради. Шу сабабдан маданиятга ижтимоий ривожланишнинг фактори сифатида қаралиб, замонавий педагогикага эътибор кучайди. Кўпчилик олимлар аниқ бир халқнинг ёки алоҳида худуднинг ижтимоий маданий ва маънавий белгилари бутун жамиятнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади, деган хулосага келишмоқда. Шахснинг индивидуал ижодий ривожланиши боланинг маданияти билан бевосита боғлиқдир. Айнан маданият шахсда ижтимоий ҳолат ва генетика ўртасидаги боғловчи фактор бўлиб иштирок этади, инсонни цивилизацияли жамиятнинг аъзоси сифатида

рах иеуюся и связи вида $C - H \dots O$ с энергией порядка $4 \frac{кДж}{моль}$:




Когда прочные Н-связи отсутствуют, существование водородных связей $C - H \dots O$ с участием групп $C - H$ молекул алканов и циклогексанов в ряде случаев удается обнаружить.

Водородная связь бывает межмолекулярной и внутримолекулярной. В первом случае водород связывает два атома, принадлежащие разным молекулам. Во втором случае оба атома, связанные водородом, принадлежат одной и той же молекуле. Например, молекулы о-хлорфенола в парах

имеют внутримолекулярную связь $OH \dots Cl$, . В жидком о-хлорфеноле внутримолекулярная связь $O - H \dots Cl$ конкурирует с межмолекулярной $O - H \dots O$. Связь $O - H \dots O$ более прочна, поэтому в жидком о-хлорфеноле преобладают ассоциаты $(C_6H_4OHCl)_n$, сходные по структуре с ассоциатами фенола [3].

Межмолекулярные водородные связи обычно линейные. Это означает, что ядра атомов X , H и Y располагаются на одной прямой. Такая конфигурация Н-связей наиболее устойчива. Внутримолекулярные Н-связи часто бывают нелинейными, как в ортохлорфеноле. Нелинейные водородные связи могут быть в тех случаях, когда другие химические связи препятствуют линейному расположению атомов $X - H$ и Y .

Классификация Н-связей на межмолекулярные и внутримолекулярные до известной степени условна. Например, связи $O - H \dots O$ в кольцевом димере уксусной кислоты



являются межмолекулярными относительно мономеров CH_3COOH . Эти связи можно рассматривать и как внутримолекулярные относительно молекулы димера $(CH_3COOH)_2$ [4].

При возникновении Н-связи энергия и энтальпия системы уменьшаются, поэтому ΔU и ΔH отрицательны. Для описания изменений состояния системы в результате реакций образования Н-связей пользуются как величинами ΔH , так и величинами ΔU .

Энергия водородной связи в воде, спиртах и ряде других веществ возрастает на величину до $400 \frac{Дж}{моль}$ при замене водорода в связи $X - H \dots Y$

на дейтерий [5].

Литература

1. Соколов Н.Д. докл. АН СССР. - 58 (611), 1947, Успехи физ.наук. - 57 (205) 1955.
2. Шахпаронов М.И. Механизмы быстрых процессов в жидкостях. - М.: Высшая школа, 1980. - 340 с.
3. Рабинович И.Б. Влияние изотопии на физико-химические свойства жидкостей. - М.: Наука, 1968.
4. Пиментал Д., Мак-Клеллан О. Водородная связь. - М.: Мир, 1964.
5. А.Е.Луцкий, М.Ф.Шалимов, Б.А.Тромза. Теор. и эксп. химия. - 5 (690), 1969.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны процессы образования водородной связи O – H...O. Атом водорода, имеющий сильную химическую с каким-либо атомом X, может образовывать вторую химическую связь с другим атомом или группой атомов Y. Водородная связь может образоваться не только легким изотопом водорода H, но и тяжелым водородом – дейтерием D.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада водород боғланишининг ҳосил бўлиши, унинг турлари, яъни ички ва ташқи молекулалараро водород боғланиш, кучсиз ва кучли водород боғланиш, уларга тааллуқли энергиялар анализ қилинган.

SUMMARY

In the article the formation of hydrogen relationship, it is types i.e. internal and external relationship, strong and weak relationship, energies that belong to them are analysed.

Рекомендовано к печати док. ф.-м. н. А.Ташатовым

ЭЙЛЕР-ДАРБУ ТЕНГЛАМАСИ УЧУН ҚОШИ ВА ГУРСА МАСАЛАЛАРИ

Жумаев Ж.Н. (ҚарДУ)

Таянч нушунчалар: Қоши масаласи, Гурса масаласи, Риман функцияси, умумий ечим, хусусий ҳосиллари дифференциал тенглама, характеристик учбурчак, характеристик тенглама, Гамма функция, Бетта функция.

Ҳозирги фан ва техника ривожланаётган бир вақтда амалий ва назарий характерли муаммоларни ечишда муҳим аҳамиятга эга бўлган, бузиладиган ва аралаш типдаги тенгламалар назарияси хусусий ҳосиллари дифференциал тенгламалар назариясининг жадал ривожланишидаги марказий бўлимлардан бири ҳисобланади. Бу фаннинг ривожланишида бир қанча олимларнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Жумладан, Ф.И.Франкл, А.В. Бицадзе, М.М. Смирнов, Ф.Трикоми, С.Геллерстедт, М.С.Салоҳиддинов, Т.Д.Жўраев ва бошқ. Буларнинг ишларида бузилиш чизиғига эга бўлган эллиптик, параболик ва гиперболик тенгламалар, шу билан бирга бузиладиган аралаш типдаги тенгламалар учун турли чегаравий масалалар ўрганилган.

Соҳа ичида ва чегарасида бузиладиган аралаш типдаги параболик-гиперболик типдаги тенгламалар учун турли локал ва нолокал масалалар Т.Д.Жўраев [2], С.Акбарова [1], Б.Исломов, Н.Очилова [3] ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган. Битта ва иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш параболик - гиперболик ва гиперболик - гиперболик типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар нисбатан кам ўрганилган. Бунга М.С.Салоҳиддинов, А.Масутова, А.А.Абдуқодиров, А.Сопуев [10], С.Ҳ.Акбарова [1], Б.И.Исломов ва Н.Очилова [3,4], Б.И.Исломов ва О.Х.Абдуллаев [5], А.Қ.Ўринов [7] ларнинг ишларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Гиперболик типдаги бузиладиган тенгламаларни ўрганишда Эйлер – Дарбу [7], [9] тенгламаси деб аталувчи

муносабат янада чуқурлашади. Содда гапларда аргументлар ўз ички аргументига эга бўлиши, бир предикат иккинчи предикатнинг аргументи позициясида келиши ҳам учрайди.

Адабиётлар

1. Тенер Л. Основы структурного синтаксиса. –М.:1988. - С. 158
2. Абдусаматов А. Ўзбек тилида гап бўлақларининг ноамалий мавқеи масаласи: Филол. фан.ном.дис. автореф. - Самарқанд, 1994.
3. Veikhman G.A. A new look at English Syntax. - М., 2002. - P. 122.
4. Фуломов А., Аскарлова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи. - 1987, 109 б.
5. Blokh M. A Course in Theoretical English Grammar. –М., 1983.

РЕЗЮМЕ

Мақолада атрибутив тузилмаларнинг структур-семантик хусусиятлари, синтактик тузилиши, иерархияси ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ


В этой статье рассматриваются структурно-семантические особенности, синтаксическая структура иерархия в атрибутивная конструкция.

SUMMARY


Structural-semantic features, syntactic structure, hierarchy of attributive constructions were given in this article.

Наируза доц. С.Эгамбердиев тавсия этган

ридаги гапда қаратқичли аниқловчи билан шаклланган қурилма ҳол позициясида келган бўлса, кейингисида *my question* қурилмаси эга вазиятида келяпти ва *this* лексемаси билан ифодаланган кесимнинг аргументи сифатида гавдаланган. *My* лексемаси (қаралмиш) ўзига *question* лексемаси (қаратқич)ни эргаштирган ҳолда, шу предикатнинг кенгайтирувчиси функциясини бажаряпти. Демак, гап таркибидаги аниқловчи эганинг бўлаги сифатида ноамалий мавқеда турибди [2]. Л.Теньер концепцияси бўйича бу гапни шундай белгилаш мумкин:



яъни:



Ўзбек тилидаги “Гапнинг тагини гап очар” мақолида *очар* предикатига икки аргумент - тўлдирувчи позициясидаги *гапнинг тагини*, эга позициясидаги гап бирикмалари эргашиб келяпти.

Кўринадики, тўлдирувчи вазиятида келган бўлак ўз ичида яна ички боғланишларга эга бўлади, бу боғланиш қаратувчи-қаралмиш муносабатидаги [от+от] типли бирикма ҳосил қилади.

Худди юқорида берилган гаплар сингари аниқловчи функциясини бажарувчи гап лексемаси бутун гапнинг предикати бўлган *очар* лексемасига тўғридан тўғри боғланмай *тагини* лексемасига эргашиб, шу лексема орқали ўз мавқеини йўқотмоқда, яъни иккиси биргаликда битта позиция – тўлдирувчи вазиятини эгалламоқда. Предикат учун ҳам бу қурилма аргумент вазифасини бажаряпти. Аниқловчи гапнинг асосий марказига тўғридан тўғри боғланмагани сабабли, гап бўлаклари иерархияси кўзга ташланмоқда. Бу ўринда гапнинг марказий нуктаси саналган кесимга нисбатан эга вазиятидаги *гап* лексемаси кесимни эмас унга нисбатан эргашиб келаётган *тагини* лексемасининг, яъни бўлакнинг бўлаги функциясини бажариб келган.

Аниқловчили қурилмаларда аниқланмиш уюштирувчи марказ ҳисобланади ва унинг субстанционал шаклини алоҳида таснифлаш катта аҳамиятга эга. Инглиз тилида аниқланмиш от бўлган қурилмалар жуда кўп учрайди, бундай қурилмаларда аниқловчи субстанционал жиҳатдан от (от+от, сифат+от, сифатдош+от, сон+от, равиш+от, олмош+от, таклид сўз+от), сон (от+сон, олмош+сон), равиш (от+равиш, ҳаракат номи+равиш), олмош (от+олмош, олмош+олмош), модал сўз (от+модал сўз) дан шаклланиши мумкин. Бундай қурилмалар ёйик тусда бўлганда, кенгайтирувчи аргументлар ортиб боради ва гап бўлаклари ўртасидаги поғонали (иерархик)

$$E(\alpha, \beta) = \frac{\partial^2 u}{\partial \xi \partial \eta} - \frac{\beta}{\xi - \eta} \frac{\partial u}{\partial \xi} + \frac{\alpha}{\xi - \eta} \frac{\partial u}{\partial \eta} = 0 \quad (1)$$

тенгламадан кенг фойдаланилади. Бу ерда, α, β - берилган ҳақиқий сонлар.

Ушбу

$$Z_{xx} - x^m Z_{yy} = 0, \quad m > 0 \quad (2)$$

тенгламани қуйидаги Ω_1 соҳада қарайлик.

Ω_1 орқали (2) тенгламанинг қуйидаги кўринишдаги

$$BY: \frac{1}{p} x^p + y = 0$$

$$AY: \frac{1}{p} x^p - y = 1$$

характеристикалари ва *Oy* ўқидаги *BC* кесма билан чегараланган соҳани

белгилаймиз. Бу ерда $B(0,0), C(0,-1), p = \frac{m+2}{2}$.

(2) тенгламани (3) дан фойдаланиб,

$$\begin{cases} \xi = \frac{1}{p} x^p + y \\ \eta = \frac{1}{p} x^p - y \end{cases}$$

алмаштиришни бажариб, қуйидаги каноник кўринишга келтирамиз:

$$Z_{\xi\eta} + \frac{\beta}{\xi + \eta} (Z_{\xi} + Z_{\eta}) = 0 \quad (4)$$

Бу ерда $\beta = \frac{p-1}{2p} = \frac{m}{2m+4}$ бўлиб, $0 < \beta < \frac{1}{2}$ да ўзгаради.

(4) тенглама (2) тенгламанинг каноник кўриниши бўлиб, бу тенглама Эйлер-Дарбу-Пуассон тенгламасининг хусусий ҳолидир.

(4) тенгламанинг умумий ечими қуйидаги

$$Z(\xi, \eta) = \int_{-\xi}^{\eta} \Phi(t) (\xi+t)^{-\beta} (\eta-t)^{-\beta} dt + (\xi+\eta)^{1-2\beta} \int_{-\xi}^{\eta} \Psi(t) (\xi+t)^{\beta-1} (\eta-t)^{\beta-1} dt \quad (5)$$

кўринишга эга [7,9]. Бунда $\Phi(t)$ ва $\Psi(t)$ ихтиёрий функциялар.

$t = (\eta + \xi)z - \xi$ алмаштиришни бажарсак, умумий ечим

$$Z(\xi, \eta) = (\xi + \eta)^{1-2\beta} \int_0^1 \Phi((\eta + \xi)z - \xi) [z(1-z)]^{-\beta} dz + \int_0^1 \Psi((\eta + \xi)z - \xi) [z(1-z)]^{\beta-1} dz \quad (6)$$

формула билан аниқланишини топамиз.

Коши масаласи: (4) тенгламанинг

$$\lim_{\eta \rightarrow -\xi} Z(\xi, \eta) = \tau(\xi) \quad (7)$$

$$\lim_{\eta \rightarrow -\xi} \left(\frac{p}{2} \right)^{2\beta} (\xi + \eta)^{2\beta} (Z_{\xi} + Z_{\eta}) = \nu(\xi) \quad (8)$$

лик функциялар ҳисобланади. Эслатиб ўтиш мумкинки, (4) тенгламанинг умумий ечими (6) кўринишга эга. (7) га асосан (6) дан

$$\lim_{\eta \rightarrow -\xi} Z(\xi, \eta) = \int_0^1 \Psi(-\xi) [z(1-z)]^{\beta-1} dz = \tau(\xi)$$

ёки

$$\Psi(-\xi) \int_0^1 [z(1-z)]^{\beta-1} dz = \tau(\xi) \quad (9)$$

га эга бўламиз. Бу ердан Гамма ва Бетта функция хоссалари, яъни

$$B(p, q) = \int_0^1 t^{p-1} (1-t)^{q-1} dt, \operatorname{Re} p > 0, \operatorname{Re} q > 0. \quad (10)$$

$$B(p, q) = \frac{\Gamma(p)\Gamma(q)}{\Gamma(p+q)} \quad (11)$$

формулаларга асосан куйидагини ҳосил қиламиз

$$\Psi(-\xi) = \tau(\xi) \frac{\Gamma(2\beta)}{\Gamma^2(\beta)} \quad (12)$$

Худди шундай (8) га асосан (6) дан

$$Z_\xi(\xi, \eta) = (1-2\beta)(\xi+\eta)^{-2\beta} \int_0^1 \Phi((\eta+\xi)z-\xi) [z(1-z)]^{-\beta} dz +$$

$$+(\xi+\eta)^{1-2\beta} \int_0^1 (z-1) \Phi((\eta+\xi)z-\xi) [z(1-z)]^{-\beta} dz + \int_0^1 (z-1) \Psi((\eta+\xi)z-\xi) [z(1-z)]^{\beta-1} dz$$

ва

$$Z_\eta(\xi, \eta) = (1-2\beta)(\xi+\eta)^{-2\beta} \int_0^1 \Phi((\eta+\xi)z-\xi) [z(1-z)]^{-\beta} dz +$$

$$+(\xi+\eta)^{1-2\beta} \int_0^1 z \Phi((\eta+\xi)z-\xi) [z(1-z)]^{-\beta} dz + \int_0^1 z \Psi((\eta+\xi)z-\xi) [z(1-z)]^{\beta-1} dz$$

ни этиборга олиб

$$\lim_{\eta \rightarrow -\xi} \left(\frac{p}{2}\right)^{2\beta} (\xi+\eta)^{2\beta} (Z_\xi + Z_\eta) = \lim_{\eta \rightarrow -\xi} \left[(1-2\beta) \int_0^1 \Phi((\eta+\xi)z-\xi) [z(1-z)]^{-\beta} dz +$$

$$+(\xi+\eta) \int_0^1 (z-1) \Phi((\eta+\xi)z-\xi) [z(1-z)]^{-\beta} dz + (\xi+\eta)^{2\beta} \int_0^1 (z-1) \Psi((\eta+\xi)z-\xi) [z(1-z)]^{\beta-1} dz +$$

$$+(1-2\beta) \int_0^1 \Phi((\eta+\xi)z-\xi) [z(1-z)]^{-\beta} dz + (\xi+\eta) \int_0^1 z \Phi((\eta+\xi)z-\xi) [z(1-z)]^{-\beta} dz +$$

$$+(\xi+\eta)^{2\beta} \int_0^1 z \Psi((\eta+\xi)z-\xi) [z(1-z)]^{\beta-1} dz \right] = 2(1-2\beta) \left(\frac{p}{2}\right)^{2\beta} \Phi(-\xi) \int_0^1 [z(1-z)]^{-\beta} dz = \nu(\xi)$$

ни ҳосил қиламиз. Охирги тенгликдан (10) ва (11) га кўра

$$\Phi(-\xi) = \frac{1}{2} \left(\frac{p}{2}\right)^{-2\beta} \frac{\Gamma(1-2\beta)}{\Gamma^2(1-\beta)} \nu(\xi) \quad (13)$$

эга бўламиз.

Энди (12) ва (13) ни (6) га қўйиб, Коши масаласи ечимини


хусусда Л.Теньер отга тобе бўлган, шунинг учун субстантив “тугунга кирувчи элементлар”, [1] деб фикр билдирган.

[От+от] типдаги курилмаларнинг иккала компоненти ҳам от туркумидаги лексемалар билан шаклланади.

This girl was sitting in her mother's room (А.С. р-117) гапида предикат, *was sitting* феъл лексемаси марказий элемент бўлиб, *girl, mother's room* ифодалари унга эргашиб келган. Бу ерда эга позициясидаги *girl* лексемаси каби ҳол позициясидаги *mother's room* курилмаси ҳам предикат аргумент саналади. Иккинчи курилма ўз ичида қараткич (онасининг) ва қаралмиш (хузурида) муносабатидан ташкил топган яхлитлик сифатида гавдаланади. Курилма таркибидаги аниқловчи (қараткич) муайян позицияда келмай, ўзи эргашиб келаётган аниқланмиш (қаралмиш) билан бирга предикатнинг аргументи сифатида кенгайтирувчи вазифасини бажаряпти. Ушбу кенгайтириш *mother's* аниқловчиси аргументнинг аргументи ёки бўлакнинг ички бўлаги тарзида белгилаш имконини беради.


Л.Теньер гап таркибига кирувчи сўзлар гуруҳи ҳақиқий иерархияни ташкил этишини таъкидлаб, *My friend is speaking* типдаги гапларда *my* сўзи *friend* сўзига, *is* сўзи *speaking* сўзига тобе эканини ва аксинча, *speaking* сўзи ўз навбатида *My friend* сўзини бошқаришини кўрсатиб ўтади.

Юқоридаги гап доирасида ушбу схемани (Л.Теньер) белгилайдиган бўлсак, дастлабки боғланишда (фақат ҳол ва кесим муносабатида) чизиклар тик ҳолда бўлади:




Бу ерда пастки чизиклардан юқори чизикларга боғланиш (тобелик) назарда тутилган.

Кейинги умумий боғланишда чизиклар тик ва ётиқ ҳолда бўлади:



Ушбу иерархияни куйидаги схема орқали ифодалаш мумкин:



Бу ерда *Uf*- феъл (кесим)

My question is about this (S.Maugham-122) тарзидаги гапларда ҳам қараткич-қаралмиш бирикмали курилмалар амал қилади. От+от типли курилмалар асосан қараткичли аниқловчилар орқали юзага келади. Юқо-

- Сто горько в жизни?

Мен елка қисдим. Болалар бўлса қувонишиб, кулишиб:

- Ў (ў)лум, ўлум, ўлум, - дейишди”.

Юкоридаги таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, интертекстуаллик бадий таъсир таъсирчанлигини оширибгина қолмасдан, қаҳрамонларнинг характери чизиш, бадий ғояни ўзида акс эттириш ва ҳатто асар қурилиши (композицияси)га ҳам таъсир кўрсатиш қудратига эга бўлган восита саналади.

Адабиётлар

1. Йўлдошев М.М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. докт. ...дис. автореф. – Тошкент, 2009. – 48 б.

2. Турдиева З.Я. Лингвистика текста. – М.: Просвещение, 1986. – С. 12-53.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. – 627 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёзувчи Шукур Холмирзаев ҳикояларида қўлланган интертекстуалликни юзага чиқарувчи воситалар ва уларнинг ҳикоялар ғояси, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, характер хусусиятларини очишдаги ўрни сингари масалалар тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются характерные особенности и идейное содержание рассказов Шукура Холмирзаева, используемые им интертекстуальные средства, внутренние противоречия героев.

SUMMARY

In the article it is investigated means used to show up intertextual in shut-out writer Shukur Kholmirezayev's stories and their ideas, inner feelings of the heroes and the role of unveiling opening characteristically features.

АТРИБУТИВ ТУЗИЛМАЛАРНИНГ ГАП ТАРКИБИДАГИ СТРУКТУР-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Эргашева Р. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: атрибутив, синтактик қурилма, лексема, аргу-мент, қаратувчи, қаралмиш, предикат, субстантив, компонент, иерар-хия, гап бўлаги.

От лексемалар синтактик қурилмаларнинг уюштирувчи маркази сифатида ўзига боғланаётган лексемалар, яъни аниқловчи вазифасидаги сўзларни эргаштириб келади. Унга тобе бўлган узвлар эса уюштирувчи марказ ҳисобланувчи турли позициядаги (эга, ҳол, тўлдирувчи) от туркумида келган воситанинг аргументи саналади. Ўз навбатида, ушбу синтактик қурилманинг маркази бўлган от лексемалар ҳам предикатга боғланиб, унинг аргументи сифатида “бўш ўрин”ларни тўлдириш учун хизмат килади. Қурилма таркибидаги тобе ва ҳоким бирликлар яхлит ҳолда бутун гапга нисбатан битта позицияда келади. От лексемаларга эргашиб келувчи ички тобе қисмлар маълум позицияда келган бирикманинг кенгайтирувчиси вазифасини бажаради. Уюштирувчининг маркази от бўлган қурилмаларда аниқловчи субстанционал жиҳатдан от, олмош, сифат, феъл (сифатдош), сон, равиш ҳамда тақлид сўзлар билан ифодаланиши мумкин. Бу

$$Z(\xi, \eta) = \frac{\Gamma(2\beta)}{\Gamma^2(\beta)} \int_0^1 \tau(\xi - (\eta + \xi)z)[z(1-z)]^{\beta-1} dz + \frac{1}{2} \left(\frac{p}{2}\right)^{-2\beta} \frac{\Gamma(1-2\beta)}{\Gamma^2(1-\beta)} (\xi + \eta)^{1-2\beta} \int_0^1 \nu(\xi - (\eta + \xi)z)[z(1-z)]^{-\beta} dz \quad (14)$$

кўринишда ёзмамиз.

(4) тенгламанинг Риман функцияси

$$R(\xi, \eta, \xi_0, \eta_0) = (\xi + \eta)^{2\beta} (\xi_0 + \eta)^{-\beta} (\xi + \eta_0)^{-\beta} F\left(\beta, \beta, 1, \frac{(\xi - \xi_0)(\eta - \eta_0)}{(\xi_0 + \eta)(\xi + \eta_0)}\right)$$

кўринишда бўлади.

Гурса масаласи: (4) тенгламанинг $\xi = 0$; $\eta = 1$ ва $\eta = \xi$ чизиклар билан чегараланган Ω_2 характеристик учбурчакда

$$Z(\xi, 1) = \varphi(\xi) \quad (15)$$

$$Z(0, \eta) = h(\eta) \quad (16)$$

шартларни қаноатлантирувчи ечимини топинг.

(4) тенгламанинг Ω_2 соҳадаги Гурса масаласини Риман методи билан ечамиз ва ечим куйидаги:

$$Z(\xi, \eta) = (\xi + 1)^{-\beta} \eta^{-\beta} \varphi\left[\left(\frac{p}{2}\right)^{\frac{1}{p}}\right] F\left(\beta, \beta, 1, \frac{\xi(1-\eta)}{(\xi+1)\eta}\right) + \int_0^{\xi} \frac{(t+1)^{2\beta}}{(\xi+1)^{\beta}(t+\eta)^{\beta}} F\left(\beta, \beta, 1, \frac{(\xi-t)(1-\eta)}{(\xi+1)(t+\eta)}\right) d\left[\varphi\left[\left(\frac{t+1}{2}\right)^{\frac{1}{p}}\right]\right] + \beta \int_0^{\xi} \frac{(t+1)^{2\beta-1}}{(\xi+1)^{\beta}(t+\eta)^{\beta}} \varphi\left[\left(\frac{t+1}{2}\right)^{\frac{1}{p}}\right] F\left(\beta, \beta, 1, \frac{(\xi-t)(1-\eta)}{(\xi+1)(t+\eta)}\right) dt - \int_{\eta}^1 t^{2\beta} (\xi+t)^{-\beta} \eta^{-\beta} F\left(\beta, \beta, 1, \frac{\xi(t-\eta)}{(\xi+t)\eta}\right) d\left[h\left[\left(\frac{tp}{2}\right)^{\frac{1}{p}}\right]\right] - \beta \int_{\eta}^1 t^{2\beta-1} (\xi+t)^{-\beta} \eta^{-\beta} h\left[\left(\frac{tp}{2}\right)^{\frac{1}{p}}\right] F\left(\beta, \beta, 1, \frac{\xi(t-\eta)}{(\xi+t)\eta}\right) dt \quad (17)$$

кўринишга эга бўлади.

Адабиётлар

1. Акбарова С.Х. Аналогии задачи Трикоми для уравнений параболо-гиперболического типа с двумя линиями и различными порядками вырождения // Докл. АН РУз., 1991. №11. - С 3-5.
2. Джураев Т.Д. Краевые задачи для уравнений смешанного и смешанно-составного типов. – Ташкент: Фан. 1979.
3. Исломов Б.И., Очилова Н.К. О краевой задаче для уравнения параболо-гиперболического типа с двумя линиями и различными порядками вырождения // УзМЖ, 2005. - С.42-53.
4. Исломов Б.И., Мадрахимова З.С. Об однозначной разрешимости краевой задачи для уравнения третьего порядка вырождающегося внутри области // Доклады АН РУз. –Ташкент, 2009. -№5. – С. 15-18.

5. Исломов Б. И., Абдуллаев О. Х. Uniqueness of the solution of the boundary value problem for the degenerating equation of the hyperbolic – hyperbolic type on the third order in double – connected domain // Турк мамлакатлари конгресси материаллари тўплами. – Қозоғистон, 2010.
6. Салахитдинов М.С., Мирсабуров М. Нелокальные задачи для уравнения смешанного типа с сингулярными коэффициентами. – Ташкент: Университет, 2005. – 223 с.
7. Салоҳиддинов М.С., Ёринов А.Қ. Гиперболик ва эллиптик типдаги бузиладиган дифференциал тенгламалар. – Тошкент: Университет, 2006.
8. Салоҳиддинов М.С. Интеграл тенгламалар, 2007.
9. Смирнов М.М. Уравнения смешанного типа. - М.: Наука, 1985.
10. Сопуев А.Х. О краевых задачах для вырождающегося парабола-гиперболического уравнения не характеристической линией изменения типа. // Изв. АН. УзССР. Сер. физ.-мат. наук, 1987. №1. – С. 33-38.
11. Фихтенгольц Г.М. Основы математического анализа. - М.: Наука, 1968.

РЕЗЮМЕ

Ишда Эйлер-Дарбу-Пуассон тенгламаси учун Риман функцияси тузилиб, Коши ва Гурса масалаларининг умумий ечимлари топилган.

РЕЗЮМЕ

В данной работе построена функция Римана для уравнения Эйлера-Дарбу-Пуассона и найдено общее решение задач Коши и Гурса.

SUMMARY

In the article the Reaman function for the Euler-Darbu-Puasson equation is constructed and also the general solutions the Cauchi and Gursa problems are obtained.

Нашрга доц. Н.Дилмуродов тавсия этган

УЧИНЧИ ДАРАЖАЛИ КЎПҲАДЛАРНИНГ МАНДЕЛЬБРОЙТ ТЎПЛАМИ

Норов А.З. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: критик нуқта, итерация, Жюлия тўплами, Фату тўплами, Мандельбройт тўплами.

Комплекс динамик системалар бугунги кунда яхши ривожланаётган ва илмий изланишлар марказида турган соҳалардан ҳисобланади. Ҳозирги вақтда комплекс динамик системалар иқтисодиёт, тиббиёт, генетика ва бошқа соҳаларнинг долзарб масалаларига татбиқ этилмоқда. XIX асрнинг охирларидан бошлаб голоморф акслантиришлар итерациясининг кўзгалмас нуқта атрофида ўзини қандай ҳис қилиши яхши ўрганилган, бу масаланинг татбиқий услублари ишлаб чиқилган. Комплекс динамика масалалари айнан шу итерациялаш жараёнига алоқадордир.

“Комплекс динамик системалар”нинг асосий тушунчаси бу функция итерацияси ҳисобланади. Бизга $r(z)$ – ихтиёрий комплекс ўзгарувчи функция берилган бўлиб, даражаси $\deg r = d$ бўлсин. У ҳолда қуйидаги ифодага $r(z)$ – функциянинг n -тартибли итерацияси дейилади:

“гуноҳ”, “кўз тегади” деган гапларнинг ҳам унинг учун маъноси йўқ эди.

Масалан, қадимдан қолган гап бор: овчи кийикдан битта отиши керак... Акс ҳолда бир фалокат юз бериши мумкин эмиш. Омон бу гапга ҳам панжа орасидан қарарди”. (Омон овчининг ўлими)

Омон овчини ўз билганидан қолмайдиган шахс сифатида тасвирлаш иримлар воситасида амалга оширилган. Бундан ташқари, бу тасвирлар китобхоннинг макон ҳақидаги тасаввур доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилган.

“Сирли милиционер” ҳикоясида эса оғиздан оғизга ўтиб келаётган дидактик матнлардан моси танлаб киритилганини кўраимиз:

“...Тоғоев бурилиб магазинга кирди, бироздан кейин қайтиб чиқиб, айвондан тушди. Тарновдан оқайтган сувга парво қилмай, милиционерга бурилди: - Катта бўп қопсиз-да, а? Замначальник бўпсиз-да?! Тузук... Танитай қолдингизми? Ўзи, эскилар айтишар эди, милиса билан дўст бўлма, хотинга сир айтма, номардан қарздор бўлма деб, шу гап рост экан”.

Бошқа бир мисол: “Келганимдан кейин, тўрт ойдан сўнг бир хат олдим. Тухмат билан тушган домладан.

...Мансуржон, сен кетдинг, кўзда ёш қолди,

Орқандан отилган парча тош қолди.

- Яхши-я? – Мансурнинг кўзлари гилқ ёшга тўлди.

- Менга таъсир қилди. Ўзимиздаям шу одат бор-ку, бир кишининг уйга киришини, келишини истамасангиз, орқасидан тош отиб қоласиз”. (Озодлик)

Юқоридаги мисолда этнографик характердаги матн асосий матнга киритилиб, қаҳрамон яшаган муҳит ва у мулоқотда бўлган кишилар феъл-атвори ҳақида маълум бир ахборот етказиш мақсад қилингани кузатилади. Матнни ўқир эканмиз, Мансур яшаган турма муҳити ва одамлари кўз ўнгимизда аниқ жонланади.

Қаҳрамонлар дунёқарашидаги тафовутлар, карама-қарши фикрларнинг бетакрор талқинини кўрсатишда ҳам ёзувчи интертекстуал бирликлардан ўринли фойдаланади. Ҳадисдан келтирилган ушбу интерматн хусусида ана шу фикрни айтиш мумкин:

“-Мансуржон, кечирасизу, айтиб қўйишим керак, - деб гап қилди чол. - Оламда неки бор, барчаси инсон учун яратилган. Ҳадиси шарифда ҳам шундай дейилган.

- Ўлдир, ют, калтакла... Раҳм-шафқат сенга ёт. Сени йиртқич ҳайвондан фарқинг йўқ, дейилмаганми, отахон? Ҳа, соқолингиз тўкилсин! Сиз худогаям чап берасиз”. (Озодлик)

“Кўк денгиз” ҳикоясида ёзувчи Олтой халқ топишмоқларидан фойдаланиб, олтойликларнинг этнографик урф-одатлари, дунёқараши ва яшаш тарзини жонли тасвирлаган:

“Умрзоқ ака гамгин жилмайиб, шишани кўтарди, тагин оғзидан бир-икки қултум ичди. Сўнг менга синовчан тикилиб ўтирган болакайларга бир нима деганди улардан бири менга қараб:

- Ачу, Ачу, не ачу? – деди.

Ғира-шира тушундим: бизнинг ўлкада аччиқ сўзи шевада албатта “Ачув” деб талаффуз қилинади. Шуни аниқлаштириб олмоқчидир, Умрзоқ ака ўзи англади:

диятларга ўхшаш ҳодиса ҳикояда тасвирланганига гувоҳ бўламиз. Ҳикоя қаҳрамони Абдурасулбойга бешиккерт қилинган Бодомгулнинг Эш-кувват (Абдурасулбойнинг дўсти) билан аҳду паймонию, никоҳ тўйлари эпизодини ўқир эканмиз, “Алпомиш” достонидаги сюжет билан ўхшашлигини бир қадар ҳис қиламиз.

Шундан келиб чиқиб, эпиграф баъзан асосий матн мазмунини қисқача ҳикоя қилиб бериш қудратига эга деган хулосага келиш мумкин. Баъзан асосий матн эпиграфда келтирилган нотугал фикрнинг давоми сифатида баён этилади. Гўёки эпиграф ва асосий матн яхлит бир вужудга айланади. Масалан, “Уҳ” номли ҳикоя ўн саккизга қирганларга айтилаётган бир гап сифатида янграйди.

Асосий матн ичига ўзга матн қисмларини киритиш интертекстуал-ликнинг энг фаол ва кўп тарқалган шакли ҳисобланади. Бу шакл мақол, халқ қўшиқлари, шеър, этнографик характердаги матн, ҳадислар, топонимик ривоятлар, топишмоқлар, шунингдек, турли хил қарғиш ва халқ иримларини бадиий матнга киритиш орқали юзага келади. Бадиий адабиёт ижтимоий ҳаётнинг бадиий қоидалари асносида қоғозга туширилган шакли экан, ўз-ўзидан маълум бўладики, унинг тили халқ тилига ўта ўхшаш ва яқин бўлади. Шу боисдан ёзувчилар ўз қаҳрамонларини “гапиртирганда” юқоридаги нутқ ҳосилалари воситасида қаҳрамонларни ижтимоий шахсларга яқинлаштиради. Демак, ҳар қандай бадиий матнда ўзга матн қисмларига дахлдор бўлган интертекстуал бирликлар мавжуддир. Шундай экан, бадиий матнни лингвопоэтик таҳлил қилиш жараёнида бундай ўзга матн қисмларидан фақат эмоционал-экспрессив ифода семалари реаллашган ва адибнинг бадиий-эстетик мақсадига хизмат қилганларигагина эътибор қаратиш лозим.

Ёзувчи “Олий юлдузлар остида” номли ҳикоясида асар персонажи - аёлнинг ҳуснини жуда гўзал деб таърифлар экан, шу ўринда топонимик ривоят келтиради:

“Айтишларича, бу ердан йигирма километр ичкаридаги икки тоғ оралигида жойлашган Сангардак қишлоғини “Парилар макони” дейишаркан қадимда. Шундай гўзал бўларкан у ернинг қизлари. Лекин чет йигитларга қиз беришмайди. Хосиятсиз бир иш бўлмиш...”

Келтириб ўтилган ривоят ўқувчи тасавурида бош қаҳрамон ҳақидаги тасвирнинг янада қуюқлашишига имкон беради.

“Бодом қишда гуллади” ҳикоясида эса Носиржондек меҳрга муҳтож кишиларнинг туйғуларини эрмак қилган одамлар ҳақида сўз юритган ёзувчи Усмон Носир ижодидан қуйидаги гўзал мисраларни келтиради:

*“...Қандай қабохат,
Ки одамнинг ўзигинамас,
Ҳиссини ҳам хароб қилса давр!”*

Келтирилган интерматн ҳикоянинг бош ғоясини ўзида мужассам этгани билан алоҳида аҳамият касб этган.

Халқ оғзаки ижодининг моҳир устаси ва билимдони Шукур Холмирзаев ўз ҳикояларида халқ орасида кенг тарқалган урф-одатлар ва иримлардан қаҳрамон характерини ифодалашда ўринли фойдалана олади:

“Омон мерган тунда ўрмонда, тоғда ҳеч нарсадан қўрқмагани каби жин-ажина деган нарсаларга ҳам ишонмас, шу маънода “қон тутуди”,

$$r^n(z) = r \circ r \circ \dots \circ r(z) = r \circ r^{n-1}(z), n = 1, 2, \dots$$

Ихтиёрий функцияни итерациялаш мураккаб бўлганлиги учун соддарок ҳолда даражали кўпхад оламиз. $p(z)$ – даражаси d бўлган кўпхад бўлсин. Агар $d=1$ бўлса, бундай ҳол тривиал ҳол бўлади, шунинг учун кўпхад даражасини $d \geq 2$ деб оламиз.

Кўпхадлар динамикасини ўрганиш квадратик кўпхадларнинг динамикасини ўрганишдан бошланган. Дастлаб содда кўринишга эга бўлган ушбу $P_c(z) = z^2 + c$ квадратик кўпхаднинг динамикаси ўрганилган, бу кўпхад учун Мандельбрөйт тўплами қурилиб, унинг хоссалари аниқланган.

Мандельбрөйт тўпланини XX асрнинг бошларида француз математиклари Pierre Fatou ва Gaston Julia лар ўрганишган. Биринчи бўлиб Robert W. Brooks ва Peter Matelski 1978-йилда *Мандельбрөйт* тўпланининг расмини чизишган.

Таъриф 1. Агар $p'(z) = 0$ тенглик бажарилса, у ҳолда $z \in \mathbb{C}$ нукта $p(z)$ кўпхаднинг *критик* нуктаси дейилади. $p(z)$ нинг *критик* нукталари сони карраллари билан $d-1$ га тенглиги равшандир. Демак, бизга $r(z)$ – рационал функция $z \in \mathbb{C}$ комплекс ўзгарувчили, $\deg r = d$ берилган бўлсин.

Таъриф 2. Агар $\{r^n(z)\}$ оиладан бирор a нуктанинг атрофида голоморф функцияга ёки $\{\infty\}$ га яқинлашувчи қисмий кетма-кетлик ажратиш мумкин бўлса, у ҳолда $\{r^n(z)\}$ оила a нуктанинг атрофида *нормал* дейилади.

Таъриф 3. $r(z)$ – функциянинг *Фату* тўплами деб шундай нукталар тўпламига айтиладики, бу нукталарнинг бирор атрофида $\{r^n(z)\}$ оила нормал оила ташкил қилса.

Фату тўпланини F билан белгилаймиз. *Фату* тўпланининг тўлдирмасига *Жюлия* тўплами дейилади ва J билан белгиланади.

Таъриф 4. Ушбу $G_\infty = \left\{ a \in \overline{\mathbb{C}} : \lim_{n \rightarrow \infty} |p^n(a)| = \infty \right\}$ тўпламга чексиз узоклашган нуктанинг *аттрактори* дейилади.

Бизнинг мақсадимиз қачон $r(z)$ рационал функциянинг *Жюлия* тўплами боғламли бўлади деган саволга жавоб топишдан иборат. Бунинг учун критик нукталар итерацияси ва чексиз узоклашган нуктанинг *аттрактори* тушунчаларидан фойдаланамиз.

Теорема (*Асосий*). Агар ҳеч қайси z_1, z_2, \dots, z_{d-1} критик нукталар чексиз узоклашган нуктанинг *аттрактори* $G_\infty = \left\{ a \in \overline{\mathbb{C}} : \lim_{n \rightarrow \infty} |p^n(a)| = \infty \right\}$ да ётмаса, $p(z)$ кўпхаднинг *Жюлия* тўплами J – боғламли тўплам бўлади.

Натижа. Агар $P(z)$ кўпхаднинг барча *критик* нукталари G_∞ да ётса, у ҳолда J – *тўла узилган* тўплам бўлади. [1], [2].

Бизга $P(z) = z^3 + 3az^2 + bz + c$, $a, b, c \in \mathbb{C}$ кўпхад берилган бўлсин. Қуйи-

дагича алмаштиришни кўриб ўтамиз

$$f(z) = P(z-a) + a, f^2(z) = P^2(z-a) + a, \dots, f^n(z) = P^n(z-a) + a. \quad (1)$$

Бу ерда $f(z)$ ва $P(z)$ лар ўзаро конформ акслантиришлар ва уларнинг динамикаси бир хил бўлади. Агар бу тенгликни ечсак, у ҳолда $f(z)$ нинг умумий кўриниши $f(z) = z^3 + b_1z + c_1$ шаклда бўлади, бу ерда $b_1 = b - 3a^2$ ва $c_1 = c + 2a^3 - ab + a$. Юқоридаги (1) ёрдамида биз иккинчи даражали ҳадини йўқотиб олдик. Энди биз $f(z)$ нинг динамикасини ўргансак, $P(z)$ нинг динамикасини ўрганган бўламиз. Бирданига иккита коэффициентга шарт қўйиш мураккаб бўлгани учун, хусусий ҳолатларни қараймиз. Биринчи бўлиб $b_1 = 0$ ҳолни қараймиз. У ҳолда $f(z) = z^3 + c_1$ кўринишда бўлади. Умумийликка зиён етказмасдан $f(z) = z^3 + c_1$ функциянинг $P_c(z) = z^3 + c$, $c \in \mathbb{C}$ кўринишда ёзиб оламиз. Демак 0 нукта $P_c(z) = z^3 + c$, $c \in \mathbb{C}$ функциянинг критик нуқтаси бўлади. Бу учинчи даражали кўпхад учун ҳам *Мандельбройт* тўпламини киритиш мумкин.

Таъриф 5. *Мандельбройт* тўплами деб $M = \{c : P_c^n(0) \nrightarrow \infty\}$ тўпламга айтилади, бу ерда $P_c(z) = z^3 + c$.

Теорема. $P_c(z) = z^3 + c$, $c \in \mathbb{C}$ учинчи даражали кўпхад, M *Мандельбройт* тўплами ва J_c *Жюлия* тўплами бўлсин, у ҳолда куйидагилар ўринли:

1. $M \subset \{|c| \leq \sqrt{2}\}$.
2. $\forall c \in M$ учун $\text{Im}c \in [-\sqrt{2}; \sqrt{2}]$.
3. J_c боғламли тўплам бўлади, фақат ва фақат шу ҳолдаки, агар $c \in M$ бўлса.
4. J_c тўла узилган тўплам бўлади, фақат ва фақат шу ҳолдаки, агар $c \notin M$ бўлса.
5. Ихтиёрий c лар учун $J_c \subset \{z : |z| \leq \max(\sqrt{2}, |c|)\}$.

Исбот. 1. Равшанки, $P_c(0) = c$, $P_c^2(0) = c^3 + c$. У ҳолда куйидаги тенгсизлик ўринли $|P_c^2(0)| \geq |c|^3 - |c| = |c|(|c|^2 - 1)$. Буни кетма-кет давом эттирсак,

$$P_c^3(0) = (P_c^2(0))^3 + c \Rightarrow |P_c^3(0)| \geq |P_c^2(0)|^3 - |c| = |c|^3(|c|^2 - 1)^3 - |c| \geq |c|^3(|c|^2 - 1)^3$$

ва ҳоказо ихтиёрий $n \geq 2$ учун $|f_c^n(0)| \geq |c|^{3^{n-2}}(|c|^2 - 1)^{3^{n-2}}$ тенгсизлик ҳосил бўлади. Шундай қилиб, агар $|c| \geq \sqrt{2}$ бўлса, у ҳолда $n \rightarrow \infty, |f_c^n(0)| \rightarrow \infty \Rightarrow c \notin M$ келиб чиқади. Бундан, $M \subset \{|c| \leq \sqrt{2}\}$.

ёки асар қисмининг бошида берилган ва унинг мазмунини ифодалайдиган цитата, ибора, мақол ва ш.к.” тарзида изоҳланган [3:42]. Лингвистик адабиётларда эпиграф бадиий матнда интертекстуалликни юзага келтирадиган усуллардан бири сифатида қайд этилади. Бадиий матнда эпиграф сифатида қўлланилган мақоллар, ҳикматли сўзлар, бошқа асардан келтирилган шеърый ёки насрий парчалар, муаллифнинг ўз изоҳи интертекстуал бирликлар ҳисобланади. Ш.Холмирзаев ҳикояларида ана шундай интертекстуал бирликлар эпиграф сифатида келтирилган бўлиб, уларга айрим намуналар келтириш билан чекланамиз:

1. Топишмоқнинг эпиграф сифатида қўлланиши. “Кўк денгиз ҳикояси” номли асарида Олтой халқи топишмоғи эпиграф сифатида келтирилган:

“- Недин не тату?

- Шу тату”. Олтой топишмоғи.

2. Эпиграф сифатида насрий парчалар қўлланилиб, улар куйидаги хусусиятларга эга:

а) ҳикматли сўзлар эпиграфга чиқарилган: “Оғзингдан қон келсаям душман олдида тупурма”. Ҳикмат. (Йиғи);

б) бадиий фильм номи эпиграф сифатида қўлланилган:

“- Танграм, болалар билан ҳайвонларни ўз паноҳингда асра”. Америкалик режиссёр Крамер яратган фильмнинг номи. (Қуш тили);

с) диалогик матн эпиграф сифатида танланган: “- Сизни қаттиққўл, иродали ёзувчи дейишади... Шу тўғрими?

- Тўғрироғи, шундай бўлгим келади.

- Кимнидир севганмисиз, ундан айрилганмисиз... Куйганмисиз?

- Ҳа.

- Ўн саккизга кирганларга бир гап айтинг...

“Саодат” редакциясида бўлган гап”. (Ух)

3. Эпиграф қилиб шеърый парчалар ҳам қўлланилган:

“Ойбарчиним, ёр-ёр, гул Барчиним, ёр-ёр,

Ултонтозга теккунча, ўл Барчиним, ёр-ёр...” “Алпомиш” достонидан. (Арпали кишлоғида)

4. Эпиграф сифатида муаллифнинг ўз изоҳи келтирилган: “Болалар ҳақида... Нафақат болаларга. Муаллиф”. (Чиллак ўйини)

Ёзувчининг маҳорати ҳикоялардаги бадиий ғояни уларда қўлланган эпиграфлар билан семиотик жиҳатдан боғлай олганлигида яна бир бор кўзга ташланади. Масалан, юқорида кўрсатилган “Кўк денгиз” ҳикояси эпиграфида сув ҳақида топишмоқ келтирилади. Шу билан бир қаторда асосий матн ичида экологик вазият ёмонлашгани учун хароб аҳволга тушиб қолган денгиз ҳақида гап боради. Бу ҳатто сарлавҳанинг ҳам шу ном остида ифодаланишига сабаб бўлади. Натижада сарлавҳа \rightarrow эпиграф \rightarrow асосий матн ўртасида мазмуний алоқа занжирсимон боғланади.

Айрим ҳикояларда эса эпиграф ҳикоя мазмунидан келиб чиқадиган ҳукм тарзида янграйди. Масалан, “Йиғи” ҳикоясида афғон воқеаларини тасвирлаш жараёнида ўлимни билса-да, душман олдида йиғлаган Ҳакимнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлган ёзувчи эпиграфда ўз хулосасини чиқаради: “Оғзингдан қон келсаям, душман олдида тупурма”.

“Арпали кишлоғида” ҳикояси эпиграфини таҳлил қилсак, Алпомиш ва унинг биродари Ултонтоз ўртасида Барчиной туфайли келиб чиққан зид-

Аммо бундай сарлавҳалар ёзувчининг эстетик идеали билан боғлиқ бўлган сарлавҳаларга нисбатан кам учрайди.

Ш.Холмирзаевнинг қатор ҳикояларида интертекстуалликни намоён қилувчи сарлавҳаларнинг гўзал намуналарини учратиш мумкин. Масалан, “Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди” ҳикояси сарлавҳаси атоқли шоир Ғафур Ғуломнинг машҳур “Вакт” шеърининг бир мисраси ҳисобланади. Бирок ёзувчи асосий матн ичида ҳам байтни тўлиқ қўллаб, сарлавҳа ва матннинг узвийлигини таъминлайди. Энг асосийси, ана шу интерматн ҳикояга юкланган бадиий ғояни очиб бериш учун асос вазифасини ўтаган:

“Отам ҳам нуқул: “Энди нима бўлади?” деб ўйлайди. Шундай пайтда мен шоир Ғ.Ғуломнинг мактабда ёд олган бир шеърини эслайман:

*Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий...*

Ажабо, биродарим, мен ҳам ушбу сатрларни бир неча бор такрорлаган, лекин тасалли топмаган эдим. Ахир, биз фалакдаги ҳалиги азон учиб кетаётган “қора тўйнуқ” нималигини ҳам, ер қуррасидаги экологик ҳолатнинг ҳам бузилиб кетганлигини биламиз. Ва шу ҳам руҳимизга таъсир этиб, ошимизга заҳар қўшиб туради-да”.

Бу билан ёзувчи гўё инсон умрининг жозибали ўтишига ижтимоий тузумнинг кўрсатган таъсирини бадиий тасвир орқали таҳлил қилишга ҳаркат қилади. Яъни ёзувчи Қуёш (инсон)нинг фалакда ўз эрки билан кезиб юришига экологик вазият (ижтимоий тузум)нинг кўрсатаётган салбий таъсирини куюк бўёқларда тасвирлашга интилади. Демак, ҳикояда қўлланилган интерматн ёзувчи мақсадини бадиий талқин этишда катта хизмат кўрсатган.

Ёзувчининг машҳур “Хорун ар-Рашид” номли ҳикояси сарлавҳасида ҳам интертекстуалликнинг бетакрор намунаси қўлланилган. Асосий матн ичида араб халқ эпоси “Минг бир кеча”дан келтирилган интерматн мавжуд бўлиб, мана шу ўзга матн ҳикояда воқеалар ривожининг бошланиб кетишига ва уларнинг бир сюжет чизиғи фонида бирлашишига кўмаклашади.

Ҳарфлари йириклашиб кетган саҳифанинг илк қатори:

“Бағдод халифаси Хорун ар-Рашид вақт-вақти билан тунлари дарвеш либосини эгнига илиб, қаландархоналар, такяхоналарга юриш одати бор эди. Шу асно у фуқаронинг аҳвол-руҳиятидан хабардор бўлар эди...”

“Минг бир кеча”даги бу жумлаларни ўқиган ҳикоя қахрамони - обком секретари Мелибой замонавий Хорун ар-Рашид қиёфасига кириб, “халқ дардини тинглаш” учун сафарга отланади. Бирок Мелибойнинг араб “Хорун ар-Рашиддан фарқи шунда эдики, у раҳбарлик қилмоқчи бўлган тузум аллақачон ич-ичидан емирилиб, кишиларда норозилик, лоқайдлик кайфиятини уйғотган эди. Кўриниб турибдики, киритилган интерматнлар баъзан бадиий матн қурилишига катта таъсир кўрсата олар экан. Шунингдек, ёзувчи сарлавҳа сифатида халқ мақолларидан кенг фойдаланган бўлиб, биз бу ҳолатларни ҳам интертекстуаллик, дея қайд эта оламиз. Масалан, “Бир кўрган таниш...”, “...Икки кўрган билиш” деб номланган занжир ҳикоялари бунга мисол бўла олади.

Эпиграф юнонча сўз бўлиб, *epigraphe* - уст(идаги) ёзув деган маънони билдиради. Атама “Ўзбек тилининг изохли луғати”да “Бутун адабий асар

2. $|P_c^2(0)| \leq |c|$ тенгсизликни ечамиз. Тенгсизлик $|c^3 + c| \leq |c|$ кўринишга эга. Бундан $|c^2 + 1| \leq 1$. $c \in \mathbb{C}$ бўлгани учун $c = c_1 + ic_2$ ва $c_1 = 0$ деб олсак, $|1 - c_2^2| \leq 1$ бўлади. Бу тенгсизликдан $c_2 \in [-\sqrt{2}, \sqrt{2}]$ экани келиб чиқади. Демак, $\text{Im } c = c_2$ лигидан $\text{Im } c \in [-\sqrt{2}; \sqrt{2}]$ бўлади.

3. Бу пунктнинг исботи асосий теоремадан келиб чиқади.

4. Бу пунктнинг исботи бевосита асосий теорема натижасидан келиб чиқади.

5. Ихтиёрий c учун $J_c \subset \{z : |z| \leq \max(\sqrt{2}, |c|)\}$ ни кўрсатиш мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам, агар $|z| \geq \max(\sqrt{2}, |c|)$ бўлса, у холда

$$|P_c(z)| = |z^3 + c| \geq |z|^3 - |c| = |z| \left(|z|^2 - \frac{|c|}{|z|} \right) > |z| |P_c^2(z)| \geq |P_c(z)| \left(|P_c^2(z)| - \frac{|c|}{|P_c(z)|} \right)$$

$$> |P_c(z)| \left(|z|^2 - \frac{|c|}{|z|} \right) \geq |z| \left(|z|^2 - \frac{|c|}{|z|} \right)^2$$

тенгсизликлар ўринли бўлади. Шундай қилиб, ихтиёрий n учун

$$|P_c^n(z)| > |z| \left(|z|^2 - \frac{|c|}{|z|} \right)^n \text{ ва } n \rightarrow \infty \text{ да, } |f_c^n(z)| \rightarrow \infty. \text{ Бундан, } z \notin K_c \Rightarrow z \in J_c.$$

Адабиётлар

- Carleson L., Gamelin T.W., Complex dynamics, Universitext: Tracts in Mathematics, Springer-Verlag, New York, 1993.
- Beardon A., Iteration of rational functions. Complex analytic dynamical systems, Graduate Texts in Mathematics, 132, Springer-Verlag, New York, 1991.
- Milnor J., Dynamics in One Complex Variable: Introductory Lectures, Institute for Math. Sci., SUNY Stony Brook, 1990.
- Milnor J., Local Connectivity of Julia Sets: Expository Lectures, Stony Brook I.M.S. Preprint 1992, №11, 1992.
- Milnor J., On cubic polynomials with periodic critical point, in Preparation, 1999.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Мандельбрөйт тўпламларининг хоссалари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В данной работе изучены свойства множеств Мандельбрөйта.

SUMMARY

In the article properties of Mandelbrot sets are considered.

Наширға доц. Н.Дилмуродов тавсия этган

КИМЁ

СМОЛАЛАР СИНТЕЗИ ЖАРАЁНИДА МУҚОБИЛ ШАРОИТЛАРНИ ЎРГАНИШ

Якубов Э.Ш., Гулбоева Д.Р., Жўраева М.И. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: смола, бутанол, меламин, формалдегид, фурфурол, этирификация, поликонденсация, модификациялаш, пластмассалар, аминопластлар.

Юкори унум билан смолалар олиш учун дастлабки моддалар маълум бир мол нисбатларида олиниши илмий тадқиқотларда маълум даражада ўрганилган [1].

Мочевина-формалдегид смоласини олиш учун мочевино:формалдегид:бутанол 1:2:2 мол нисбатларида олинганда чизиксимон тузилишли макромолекулалар ҳосил бўлади. Меламин-формалдегид смоласи учун эса меламин:формалдегид:фурил спирти 1:2:2 мол нисбатларида олинганда чизиксимон тузилишли макромолекулалар ҳосил бўлиши кузатилди. 1:18:4 мол нисбатларида олинганда эса паркетсимон, яъни сеткасимон тузилишга эга бўлган макромолекулалар ҳосил бўлиши аниқланди.

Смола олишда этирификация ҳамда поликонденсация реакцияларининг кнетикаси ўрганилганда реакция тезлигининг ўзгариши формалдегиднинг миқдорига боғлиқ бўлиши кузатилди.

| Поликонденсация вақти (соат) $\text{CH}_2\text{N}_2\text{O}:\text{CH}_2\text{O}:\text{C}_4\text{H}_9\text{OH}$ | Формалдегид (%) | | Смоланинг унуми (%) |
|---|-----------------|-------|---------------------|
| 1,0 | 85,9 | 14,1 | 17,2 |
| 1,5 | 67,45 | 32,55 | 39,1 |
| 2,0 | 41,15 | 58,85 | 52,4 |
| 2,5 | 37,22 | 63,78 | 74,5 |

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, смола олишда бутил спирти ҳам эритувчи, ҳам реагент вазифасини бажаради. Реакция кнетикаси мономер ва эритувчиларнинг миқдоридан ташқари, реакция муҳит ($\text{PH}=5,5-7,8$) га, ҳосил бўлган смоланинг амморфлигига, реакция ҳарорати ($95-100^\circ\text{C}$) га, смоланинг эрувчанлигига, олигомерларнинг термореактивлигига боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар “Юсуф билан Аҳмад” достонини Қизилтепа туманининг Кенагас кишлоғида яшаган Саидмурод Паноҳ ўғлидан ҳам ёзиб олинганлигини қайд этадилар [1:112]. Аммо Фольклор архивида бу вариант мавжуд эмас, ҳатто бу бахшидан шундай эпик асар ёзиб олинганлиги ҳақида инвентарь дафтарлари ва бошқа қайдномаларда ҳам маълумот учрамади. Бизнингча, атоқли олим Ҳ.Зарифов Саидмурод Паноҳ ўғлидан ҳам “Юсуф билан Аҳмад” достонини ёзиб олган бўлса-да, у бизга номаълум бўлган сабабларга кўра сакланиб қолмаганга ўхшайди.

Қайд қилиш керакки, бу достон ҳозирги кунда ҳам кўпгина бахшилар репертуарида мавжуд бўлиб, жонли ижро ҳолатида эпик анъанада сакланиб келмоқда. Биз 2015 йилнинг 13-14 апрель кунлари Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманида яшовчи Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуқаҳҳор Раҳимовдан “Юсуф билан Аҳмад” достонини рақамли видеоёзув ускуналари воситасида ёзиб олганлигимиз ҳам бунинг ёркин далилидир.

Ўзбек халқ бахшилари эпик репертуарида муҳим ўрин тутган “Юсуф билан Аҳмад” достонининг Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Қайнар кишлоғида истикомат қилган Абдулла шоир Нурали ўғли томонидан ижро этилган варианты бир катор хусусиятларига кўра бошқа намуналардан фарқланиб туради.

Маълумки, Абдулла Нурали ўғли ўз ижоди ва репертуарида Шахрисабз достончилиқ мактабининг ўзига хос хусусиятларини ифода этган чечан ва бадиҳагўй бахшилардан биридир. Бу достончилиқ мактаби XIX асрда юзага келган бўлиб, XX асрнинг ўрталаригача ўз эпик анъаналарини давом эттириб келган. Ана шу ўзига хос достончилиқ мактабининг йирик вакилларида бири ҳисобланган Абдулла шоир Нурали ўғли Китоб шаҳри ва унинг атрофида яшовчи таниқли бахши-шоирлар, шу жумладан, Эрнар бахши, Ражаб шоир ва бошқа бахшилардан кўплаб анъанавий терма ва достонларни ўрганиб, ўзининг бадий маҳоратини ошира борган. Натижада халқ орасида Абдулла шоир номи билан машҳур бўлган бахши “Алпомиш”, “Соҳибқирон”, “Кунтуғмиш”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Авазхон”, “Ҳиламан”, “Маликаи айёр”, “Сайдимхон”, “Аҳмад билан Юсуф” каби бир қанча достонларни бадий жихатдан сайқал бериб ижро этган. У ана шу достон қўшиқларига мослаб шўх, қувноқ вазн ва куйларни ҳам яратди. Айниқса, “Алпомиш”, “Аҳмад билан Юсуф” каби қаҳрамонлик ва мардликни тараннум этувчи достонларни эл орасида қувнаб, қайнаб-тошиб, катта кўтаринкилик билан ғоятда жўшиб куйлаган.

Атоқли олим Ҳ.Зарифов Абдулла шоир Нурали ўғли достонларни шўх куйлаши ва у чертган дўмбира куйлари ўзининг жозибадорлиги билан алоҳида ажралиб туришини қайд этар экан, шундай ёзади: “Абдулла Нурали ўғли қаҳрамонлик достонларини шўх айтиши билан, куйларининг ёқимлилиги билан ўзбек достончилари ўртасида биринчи ўринда туради. Бир куни бир неча кекса достончилар бир ерга тўпланган эдилар, улардан бирининг Абдулла шоирга: “Достонни нега шўх айтасиз?” – деган сўроғига шоир шундай жавоб берди: “Шўх айтмасам, айтолмайман, халқимиз шўх, кўнглим шод, бутун завқим, шавқим билан айтаман” [22].

Бахши ушбу достонни куйлар экан, Юсуф билан Аҳмад саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилувчи ғоят қизикарли ва мароқли эпик сюжетнинг асосий

Қамаши туманидаги Эски Қамай қишлоғида яшовчи Ҳазратқул бахши Худойберди ўғлидан 1976 йил 12 июнда фольклоршунос С.Асқаров ёзиб олган. Достон матни юз varaқлик канцелярия дафтарига ёзилган бўлиб, ҳажми 261 саҳифа. Унда тасвирланишича, Исфаҳон подшоси Бўзўғлонхон жиянлари улғайгач, тахтни олиб қўймасин, деб хавфсираб Юсуф билан Аҳмадни ўз юртидан бадарға қилади. Аммо йигитларни Хоразм хукмдорлари Ойхон билан Кунхон очиқ юз билан қарши оладилар. Миср подшоси Юсуф билан Аҳмаднинг дарагини эшитгач, уларни қўлга тушириш учун қирқ минг аскар жўнатади ва баҳодирларни банди қилиб келтиради. Юсуф билан Аҳмад етти йил зиндонда ётадилар ва шоҳнинг кизи кўмагида зиндондан халос бўлишади.

5. Инв. №1876. “Юсуф ва Аҳмад” достони. Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Орариқ қишлоғида яшовчи 1930 йилда туғилган Омон шоир Раззоқовдан 1974 йил 18 февраль – 1 апрель кунлари ўқитувчилар Оташ Холмирзаев ва Мамасодиқ Раззоқовлар ёзиб олишган. Достон матни 96 varaқлик иккита умумий дафтарга ёзилган бўлиб, ҳажми 147 саҳифа. Бу вариантда хоразмлик баҳодирлар Юсуф билан Аҳмаднинг Гўзалшоҳ зиндонидан етти йил азоб-уқубат кўриб ётишлари, подшонинг чечан шоири Кўкча билан айтишувда ғолиб чиққанликлари учун озодликка эришишлари, хон Тозибекнинг жазоланиши, Юсуфнинг Қоракўзга, Аҳмаднинг эса Гулнозимга уйланиши тасвирланган.

6. Инв. №1896/2. “Юсуф ва Аҳмад” достони. 1889 йил 25 майда Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Орариқ қишлоғида туғилган Раззоқ Қозоқбой ўғлидан 1974 йил 3 декабрда Оташ Холмирзаев ёзиб олган. Достон матни 100 бетлик канцелярия дафтарига ёзилган бўлиб, умумий ҳажми 97 саҳифа. Бу вариантда Миср подшосининг паҳлавони Мирза Маҳмуд ҳийла-найранг билан Хоразм шаҳзодалари Юсуф билан Аҳмадни банди қилиб олиб кетиши ва улар етти йиллик зиндонбандликдан кейин озод бўлиб, ўз юртига қайтиши баён этилган.

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор архивида “Юсуф билан Аҳмад” достонининг турли йилларда ёзиб олинган парча ҳолидаги нусхалари ёки достоннинг муайян шеърый қисмларининг бахшилар томонидан ижро этилган куйидаги намуналари ҳам сақланади:

1. Инв. №1252/3. “Юсуф ва Аҳмад” достонидан парча. Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида истиқомат қилган бахши Зоҳир шоир Қўчқор ўғли 1952 йилда ўз қўли билан ёзиб топширган. Бу намуна “Юсуф билан Аҳмад” достонининг қўлёзма нусхасидаги бир нечта шеърый парчалардан иборат бўлиб, унда Юсуфбекнинг Мисрда бандиликда бўлиши, Гўзалшоҳ билан айтишуви, Юсуф ва Аҳмаднинг таърифи, Миср шоҳининг сўзи ва Гуласалнинг турналар қанотига хат ёзиб учираётгандаги мурожати баёнидан иборат. Ҳажми 7 саҳифа.

2. Инв. №1521/3. “Юсуф ва Аҳмад” достонидан парча. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Қароун қишлоғида яшовчи Абдусаттор бахши Шомуродовдан 1960 йилда фольклоршунос М.Афзалов ёзиб олган бу намуна “Юсуф билан Аҳмад” достонининг иккита шеърый парчаси бўлиб, унда қаҳрамонларга исм қўйилиши ва Бўзўғлоннинг Юсуфбекка насихати баён этилган. Ҳажми 2 саҳифа.

Карши, 2009). – Карши, 2009. –С.153-155.

11. Убайдуллаев Ш.Р., Ли П.М. Изменение содержания гумуса и засолённости почвы в фитогенном поле саксаула чёрного в условиях пастбищных агрофитоценозов // Актуальные вопросы селекции, разведения и воспроизводства каракульных овец. Труды ВНИИ каракулеводства. –Ташкент, 1984. –С. 115-125.

12. Уранов А.А., Михайлова Н.Ф. Из опыта изучения фитогенного поля *Stipa pennate* L. // Бюллетень МОИП, отд.биол., 1974. –Т.79. -Вып 5. –С. 151-159.

13. Шамсутдинов З.Ш., Чалбаш Р. Изучение экологических особенностей ранговой растительности и влажности почвы в связи с задачами улучшения поlynно-эфемерных пастбищ // Труды ВНИИ каракулеводства. -Самарканд, 1960. –Т. 10. – С. 173-183.

14. Шамсутдинов З.Ш., Убайдуллаев Ш.Р. Распределение *Poa bulbosa* L. и *Carex pachystylis* Gay. в пределах фитогенного поля саксаула чёрного // Проблемы освоения пустынь. – 1988. – №1. – С. 42-47.

РЕЗЮМЕ

В статье показано отрицательное влияние, особенно средневозрастных генеративных растений чёрного саксаула на поlynнь развесистую, в результате которого в пределах его фитогенного поля значительно увеличивается количество старых генеративных и сенильных, критически уменьшается численность прегенеративных особей вида-фитометра.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қорасаксовулнинг, айниқса, унинг ўрта ёшдаги генератив ўсимликларининг шувоқ ўсимлигига салбий таъсир этиши натижасида фитомайдон чега-расида фитометр-турнинг қари генератив ва сениль ўсимликлари сони кескин ошиши, прегенератив ўсимликлар сони эса критик даражада камайиб кетиши кўрсатиб берилган.

SUMMARY

In the article it is shown the negative influence of black haloxylon, especially its average aged generative plants on the wormwood bushes, as the result, in the phytogenous limit, extremely raise of old generative and senile, and the critically decrease of pre-generative plant numbers.

Рекомендовано к печати проф. Л.Ёзиевым.

**УДАЛЕНИЕ ВЗВЕШЕННЫХ ВЕЩЕСТВ ИЗ
ПРОМЫШЛЕННЫХ СТОЧНЫХ ВОД ОСАЖДЕНИЕМ**

Бабаджанов Ю.Т, Бабаджанова И.Ю, Киличева Ф.Г. (КарГУ)

Ключевые слова: взвешенные вещества, течение, сточные воды, частица, осаждение, ламинарный режим, дисперсная среда, пористая среда, плотность, скорость, удаление, ускорение, масса, сосуд, канал.

Одним из важнейших вопросов защиты окружающей среды является охрана водного бассейна от загрязнения. Замена природных пресных вод, расходуемых на технологические и энергетические нужды, очищенными сточными водами позволит решить проблему ликвидации дефицита пресных вод. Сточные воды многих химических производств представляют собой гетерогенные системы, в которых размер взвешенных в воде частиц может изменяться в широких пределах от 10-50 до 0,001-0,1 мкм. В большинстве случаев дисперсные системы сточных вод являются лиофобными.

Эффективность удаления взвешенных веществ из сточных вод методом осаждения определяется степенью устойчивости таких дисперсных систем. Агрегативно устойчивыми являются обычно высокодисперсные примеси и коллоидные загрязнения, концентрация которых в природных и сточных водах не превышает 1%. Размеры частиц в таких взвесах не изменяются в течение длительного времени. Агрегативно устойчивые взвеси являются также и седиментационно устойчивыми, т.е. не осаждаются в течение длительного времени, и распределение их концентрации по высоте слоя жидкости остается более или менее равномерным [1]. Очевидно, что максимальный размер седиментационно устойчивой частицы будет тем меньше, чем выше ее плотность, так как на взвешенную в воде частицу действует сила R_0 равная

$$R_0 = w(p_T - p_{ж}) g \quad (1)$$

где W - объем частицы; p_T и $p_{ж}$ - соответственно плотности твердого вещества частицы и жидкости (природной или сточной воды) при данной температуре, g - ускорение свободного падения.

Если результат действия этих сил больше нуля, то частица осаждается. Этот процесс вызывается изотермической перекристаллизацией, при которой крупные частицы растут за счет растворения мелких, в результате чего их масса увеличивается настолько, что они начинают оседать.

Для описания процесса осаждения взвесей предложено несколько количественных закономерностей; наиболее простой является формула Стокса, согласно которой движущаяся в реальной жидкости частица шарообразной формы испытывает сопротивление, сила которого R_c равна:

$$R_c = 3 \pi d \mu v \quad (2)$$

где μ - вязкость среды; v - скорость движения частицы, которая может быть определена из условия равенства вертикальной результирующей силы R_0 и силы сопротивления:

фактлар асос бўлган, дейиш мумкин. Ушбу дostonнинг қўлэзма ва тошбосма нухаларини қиёсий ўрганган фольклоршунос Р.Жуманиёзов ҳам “дostonда XVI аср Хоразм ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий муносабатларига доир кўпгина маълумотлар мавжуд”лиги, “унда ўша давр ижтимоий турмушига хос жиҳатлар у ёки бу даражада ўз ифодасини топган”лигини қайд этади [5:43-44].

Демак, Хоразм воҳаси аҳолисининг шоҳ Исмоил қўшинларига қарши олиб борган кураши, ака-ука Элбарсхон ва Белбарсхон бошчилигидаги ўзбек қавмларининг бу жангда хоразмликларга ёрдам бериши, шунингдек, XI аср охирида ғазнавийлар мағлубиятга учрагач Исфаҳон ва Кирмонга кўчиб кетган хоразмлик эрелиларнинг сафавийлар давридаги суронли воқеалар сабабли ўз она диёри – Хоразмга кўчиб келиши билан боғлиқ воқеалар таъсирида XVI аср ўрталарида “Юсуф билан Аҳмад” дostonи сюжетининг илк намунаси юзага келган.

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида “Юсуф билан Аҳмад” дostonининг бахши-шоирлардан ёзиб олинган қуйидаги оғзаки вариантлари мавжуд:

1. Инв. №39. “Юсуф билан Аҳмад” дostonи. 1927 йилда атоқли халқ бахшилари Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ҳамда Фозил Йўлдош ўғлидан ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳ.Зарифов ёзиб олган. Дoston қўлэзмаси араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида бўлиб, ҳажми 1005 саҳифадан иборат. Мазкур жангнома дoston ҳар икки буюк бахши репертуарида мавжуд бўлиб, улар бу эпик асарни ғоят юксак бадий маҳорат билан айтишган. Шунинг учун ҳам дostonнинг каттагина қисми, яъни жианлари банди бўлиб кетгандан кейин ўзини ўлдига чиқариб қўйган Аширбекка қахрамоннинг синглиси Қалдирғоч Юсуф ва Аҳмад қайтиб келганлиги тўғрисидаги хабарни етказиши ва сардор ўзининг тулпор отини миниб беклар билан кўришиб, Нодирбек султоннинг тўйи устига отланиши воқеалари тасвиригача бўлган ўрни машҳур дostonчи Пўлкан шоир ижросида ёзиб олинган. Дostonнинг давомини эса булунгурлик йирик халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғли айтиб берган.

2. Инв. №189. “Аҳмадбек ва Бўзўғлон” дostonи. Тошкент шаҳрининг Бешёғоч кўчасидаги 64-уйда истиқомат қилувчи 80 ёшли А.Алматхўжаевдан 1941 йил 19 мартда Жамол Отахўжаев ёзиб олган. Ҳажми 148 саҳифа. Бу вариант қўлэзма ва тошбосма шаклида халқ орасида кенг оммалашган “Юсуф ва Аҳмад” дostonининг анчайин қискартириб айтилган оғзаки намунаси дир.

3. Инв. №1689. “Аҳмад ва Юсуф” дostonи. Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Қишлик қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қайнарбулоқ қишлоғида яшовчи Абдулла шоир Нурали ўғлидан 1955 йил 21 декабрда фольклоршунос Охунжон Собиров ёзиб олган. Ҳажми 53 саҳифа. Дostonнинг бу варианты Миср ҳукмдори Гўзалшоҳнинг туш кўриши ва бу тушни таъбирлаган Бобо Қамбар Хоразмдан Аҳмад билан Юсуф деган баходирлар келиб Мисрни эгаллашини башорат қилиши тасвирдан бошланади. Воқеалар талқини давомида анъанавий сюжет ўзаги асосан сақлангани ҳолда бахшининг ўзига хос бадиҳагўйлиги шеърый қисмларда яққол ўз аксини топган.

4. Инв. №1855. “Юсуф ва Аҳмад” дostonи. Қашқадарё вилоятининг

сюжетининг шаклланиши жараёнида халқ бахшилари ўзларининг эпик хотирасида мавжуд бўлган материаллардан унумли фойдаланганлар. Шунинг учун ҳам “Алпомиш” ва “Юсуф билан Аҳмад” дostonларидаги муайян ўхшашликлар ва муштаракликларни эпоснинг стадиал босқичларидаги ўзаро таъсир ва тарихий-ворисий алоқадорлик маъсули, деб қараш мақсадга мувофиқдир. Юртга муҳаббат, мардлик ва баҳодирликни тараннум этувчи “Юсуф билан Аҳмад” дostonи сюжетининг архаик шакли Оролбўйи эпик ареалининг энг қадимий ва бой бадий анъаналаридан бири – Хоразм воҳаси дostonчилиги анъанасида қаҳрамонлик эпосининг бевосита таъсирида юзага келган.

Дostonнинг турли версия ва вариантларида Урганч, Гургон, Хива, Хоразм, Шохобод (Шовот), Ғозобод (Ғазовот), Вазир қаби Хоразм воҳасига оид жуғрофий атамалар мавжудлиги, асар қаҳрамонининг миллати “ўзбек” деб таърифланиши (“Юсуф ўзбек охир олар элингни”), Юсуф билан Аҳмадга ҳомийлик қилиб, ҳамиша қўллаб-қувватлайдиган мадакдор пирлар: Оловхўжа, Шайх Шариф, Султон Увайс, Хубби, Саид ато, Полвон ота, Дарғон ота сингари авлиёлар култи асосан хоразмликлар орасида кенг тарқалгани ҳам бу эпик асарнинг илк намунаси Хоразм бахшилари томонидан яратилганлигини кўрсатади.

Маълумки, халқимиз ҳаётида бўлиб ўтган реал тарихий воқеалар, турли даврлардаги ижтимоий муносабатлар ва этник жараёнлар ўзбек жангнома дostonларининг яратилишида муҳим роль ўйнаган. Хусусан, “Юсуф билан Аҳмад” дostonида тасвирланган эпик воқеалар – Исфаҳон ҳукмдори Бўзўғлонхоннинг ўз жиянлари Юсуф ва Аҳмад билан аразлашиб, юртидан қувғин қилиши ва уларнинг Хоразм хони Эралихон ҳузурига келишлари, Миср подшоси Ғўзалшоҳнинг Хоразмга ўз хуфясини юбортириб, Юсуф билан Аҳмадни зиндонбанд этиши, Ашурбек бошчилигидаги қирқ йигитнинг ўз дўстларини қутқариш мақсадида “язид”лар билан жанг қилиши, ва ниҳоят, зиндондан халос бўлиб, ўз юртига қайтган қаҳрамонларнинг катта қўшин тўплаб Ғўзалшоҳ устига юриш қилиши воқеалари тасвирида XVI аср бошларида Хоразм воҳасида рўй берган тарихий ҳодисалар – шох Исмоил бошчилигидаги сафавийларнинг бу ҳудудга бостириб келиши ва хоразмликларнинг юрт озодлиги учун олиб борган мардонавор курашининг акс-садоси янграётгандай бўлади.

Дostonда Юсуфбек билан Аҳмадбекнинг эпик душманларини билдирувчи атама сифатида қўлланилган “қизилбош” сўзи ҳам дostonнинг тарихий асосларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Тарихий манбаларда келтирилишича, биринчи сафавий ҳукмдорининг отаси шайх Ҳайдар кўшиндаги сарбозларга ўн икки шиа имоми шарафига ўн икки йўл-йўллик қизил матодан салла ўраб юришни буюрган. 1487-1524 йилларда Эронда ҳукмронлик қилган сафавий ҳокони шох Исмоил кўшинидаги навкарлар ҳам шундай салла ўрашган. Ана шундан сафавий ҳукмдорларга тобе бўлган кишилар “қизилбошлар” деб атала бошланган. XVI асрнинг охирларидан бу ном Эронда кенг тарқалган [21:58]. “Юсуф билан Аҳмад” дostonида Ғўзалшоҳ лашкарига нисбатан “қизилбошлар” атамаси қўлланилгани ҳисобга олган ҳолда бу асардаги жанг лавҳаларининг талқинига хоразмликларнинг ўз юртини ташқи босқинчилар хуружидан ҳимоя қилиш мақсадида олиб борган жангу жадаллари билан алоқадор тарихий

$$v = \frac{d^2}{18\mu} - g(p_T - p_{жс}) \quad (3)$$

где d - диаметр частицы; p_T $p_{жс}$ - плотности соответственно вещества дисперсной фазы и воды.

Применимость этой формулы ограничивается рядом следующих условий:

1) среда должна представлять собой вязкую, гидродинамически несжимаемую жидкость; 2) частицы дисперсной фазы должны быть больше частиц дисперсионной среды; 3) частицы должны быть шарообразными, твёрдыми и гладкими; 4) оседающие частицы должны достигнуть постоянной скорости движения к моменту начала осаждения; 5) осаждение должно происходить в безграничной среде, т.е. в удалении от стенок и дна сосуда; 6) на границе между движущимися частицами и средой должно отсутствовать скольжение; 7) частицы должны двигаться медленно, т.е. скорость передвижения не должна превышать некоторого предельного значения; 8) оседающие частицы должны быть плотными и не иметь на своей поверхности многослойных сольватных оболочек. Естественно, что реальные системы не отвечают всем этим условиям, однако на практике первые шесть условий более или менее полно соблюдаются в гетерогенных системах.

При оседании частиц неправильной формы по формуле Стокса, исходя из опытных данных о скорости осаждения, можно найти эквивалентный диаметр равновеликих шарообразных частиц, осаждающихся с той же скоростью, что ирреальные частицы суспензии. Из уравнения (3) видно, что скорость осаждения связана степенной зависимостью с размером частиц. Если принять все остальные величины постоянными, то:

$$v = c_1 d^2 \quad (4)$$

где c_1 - константа.

С увеличением размера частиц скорость их оседания резко возрастает.

Применимость формулы Стокса ограничивается системами с частицами, эквивалентный диаметр которых не превышает 0,1 мм. При падении частиц больших размеров за ними возникают завихрения, нарушающие спокойное состояние жидкости и вызывающие переход ламинарного режима в турбулентный. При этом формула (4) претерпевает следующие изменения (3):

$$\text{при } d=0.125-0.6 \text{ мм } v_1 = c_1 d$$

$$\text{при } d=0.6-2.0 \text{ мм } v_2 = c_1 d^{2/3}$$

$$\text{при } d>2 \text{ мм } v_3 = c_1 d^{1/2}$$

Скорость осаждения при $d>0,1$ мм можно также рассчитывать по формуле Озеена, введшего поправку в формулу Стокса для осаждения частиц с большой скоростью (4):

$$R_c = 3 \pi d \mu v \left(1 + \frac{3}{16} \frac{dp_{жс} v}{\mu} \right) \quad (5)$$

где R_c - сила сопротивления движущейся в реальной жидкости шаро-

образной частицы.

Скорость осаждения частиц увеличивается с ростом температуры. Практически установлено, что скорость осаждения в природных водах примерно пропорциональна величине $(t_n+23) / 23$ (t_n – температура воды, °C). При этом большое значение имеет плотность частиц твердой фазы. В большинстве случаев дисперсная фаза промышленных сточных вод представляет собой комплекс веществ разного удельного веса. В этом случае формула Стокса принимает вид:

$$v = \frac{d^2}{18\mu} g \left(\frac{\rho_T W_1 + \rho_T W_2}{W_1 + W_2} - \rho_{ж} \right) \quad (6)$$

где ρ_T и $\rho_{ж}$ – плотность составляющих частиц веществ; W_1 и W_2 – их относительные объемы.

Особо следует рассмотреть осаждение твердых пористых частиц, например, зёрен активированных углей. При расчете скорости осаждения таких частиц должно быть учтено, что поры их заполнены жидкостью. Сила F , действующая на простую частицу, пропитанную жидкостью и находящуюся в дисперсной среде, равна [1]:

$$F = g W_ч (1 - p_i) (\rho_T - \rho_{ж}) \quad (7)$$

где $W_ч$ – объем частицы без учёта пор; p_i – пористость зерна.

Скорость осаждения рассчитывают по методу, предложенному в работе [1], используя зависимость между критериями Рейнольдса Re и Архимеда Ar : $Ar(Re) = f(Ar)$.

По найденным значениям Ar пористых частиц различной дисперсности определяют критерий Re и по соотношению [2] рассчитывают скорость свободного осаждения пористых частиц v_0 :

$$v_0 = \frac{Re \mu}{d_p \rho_{ж}}, \text{ где } d - \text{ эффективный диаметр частицы. На практике почти}$$

всегда приходится иметь дело с полидисперсными взвешьями, содержащими частички различных размеров и форм.

Литература

1. Кагановский О.М. и др. - Вестник АН УССР, 1976, № 89. - С 86-89.
2. Любарский В.М., Рыбников И.Н. Повышение качества питьевой воды. - М.: Стройиздат, 1977. - 108 с.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрена проблема удаления взвешенных частиц из сточных вод методом осаждения.

РЕЗЮМЕ

Мақолада сузиб юривчи заррачаларни чўктириш орқали окова сувлардан чиқариб ташлаш масаласи кўриб чиқилган.

SUMMARY

This article deals with the of problem withdrawal drift substance from sewage by dint precipitation.

Рекомендовано к печати доц. Г.Халимовым

тарихий асослари ва поэтикаси масалалари билан шуғулланган Р.М.Жуманиёзов “Юсуфбек ва Аҳмадбек” достони ва унинг тарихий асослари мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган [17]. У ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган “Юсуфбек ва Аҳмадбек” достонининг қўлёзма ва босма намуналарини қиёсий ўрганиш асосида ёзган мақолалари [18] ва китобларида [17, 5] бу дoston нусхаларини тавсифлаб, мазкур эпик сюжетнинг келиб чиқиш тарихи, дostonнинг асосий мотивлари ва образлар силсиласини тадқиқ этган. “Юсуф-Аҳмад” дoston қорақалпоқ версиясининг ўзига хос миллий хусусиятлари, дoston сюжетининг шаклланиши тарихи ва типологияси, дostonнинг вариантлараро фарқлари ва бадиияти масалалари эса У.Жаксимова томонидан тадқиқ этилган [19]. Шунингдек, қозоқ олими С.Қосановнинг яқинда эълон қилинган бир мақоласида [20] Мухтор Авезов номидаги Адабиёт ва санъат институти Қўлёзмалар фондида сақланаётган “Бозўғлан” достонининг уч варианты (Инв. №105, 198 ва 193) ҳамда “Аҳметбек-Жўсўпбек” қиссасининг Қали Ўтемисов билан Қали Ўтешовлар айтган нусхаси (Ш.746) таҳлили асосида мазкур дostonнинг қозоқ версияси “Жўсўп-Аҳмет” (“Бозўғлан”)нинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

“Юсуф билан Аҳмад” достонининг яратилиши тарихи хусусида фикр юритган А.Н.Самойлович, Х.Г.Корогли [16:47-50] каби олимлар асарнинг баъзи бир мотивлари “Китоби дадам Қўрқут”даги Бомси байрак ва Бону Чечак саргузаштларига бағишланган эпик сюжетга ўхшашлигини ҳисобга олган ҳолда бу эпоснинг илк манбаини ўғуз эпик аънасидадан излаш керак, деган тахминни илгари сурадилар. Аслида эса эпоснинг бу икки намунаси сюжет қурилишидаги бундай ўхшашлик дostonчилик аъналарининг тадрижий ривожидавомидаги ўзаро таъсир ва тарихий-ворисий алоқадорлик, шунингдек, эпик мотивларнинг универсаллик хусусиятига эга бўлиши билан боғлиқ. Фольклоршуносликда эътироф этилган қарашга кўра, “Юсуф билан Аҳмад” сюжетининг бир қатор характерли деталлари фақат “Алпомиш” достони билангина муштараклик касб этади (музыка асбоби яшаш, қушларнинг тутқунлик хабарчиси эканлиги, қахрамоннинг синглиси Қалдирғоч бўлиши). “Ўн минг уйли элат”нинг баҳодирлар билан бирга Исфаҳондан кўчиши, туш кўриш, шунингдек, қахрамонлар қатлга ҳукм этилганида ҳеч қандай ёвуз куч уларга дахл қилолмалиги каби мотивларнинг келиб чиқиши бевосита “Алпомиш” достони билан боғланишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам бу дostonнинг яратилиш даврини XVI – XVII асрлар, шаклланиш ўрнини эса Хива (Хоразм) деб белгилаган Г.Вамберининг нуқтаи назари нисбатан асослидир”.

Дарҳақиқат, “Юсуф билан Аҳмад” достонида Бўзўғлондан аразлаган баҳодирлар ўз юртидан кетадиган бўлишгач, “Аширбек сардорнинг гапи билан ўн бир минг уйли Исфаҳондан гурру-гурру бўп, Аширбек сардорнинг қишлоғи теварагига келиб, анжом-асбобларини тушириб, Юсуф билан Аҳмадбекка бориб салом қилиши” ва ўзга элга кўчиши тасвири “Алпомиш” достонидаги “ўн олти уруғ Қўнғирот элидан ўн минг уйли экин экмоқни билмайдиган элибойлар айрилиб, Бойсарига қўшилиб Қашал элига кўчиб кетиши” мотиви билан муштарак жиҳатларга эга. Назаримизда, қахрамонлик эпосининг изчил ривожидавомида шаклланган кўпгина эпик мотивлар универсал моҳият касб этган ва жангнома дostonлар

“Юсуф билан Аҳмад” достони оғзаки талқинининг нашри биринчи марта 1987 йилда таниқли олим Б.Саримсоқов томонидан амалга оширилди [9].

Ўша давр мафкуриси тазйиқи остида йўл қўйилган баъзи қисқартиришлардан қатъи назар, мазкур нашр дostonни халқимиз орасида кенг оммалаштириш борасида амалга оширилган муҳим қадамлардан бири бўлган эди. 2008 йилда “Юсуф ва Аҳмад” дostonининг шовотлик Ниёзжон халфа Мусаева қўлида сақланаётган қўлёзма нусхаси асосида тайёрланган матн “Ошиқнома” рукни остидаги дostonлар сирасида нашр этилди [10]. Бундан ташқари, мазкур дostonнинг туркман [11], уйғур [12], қозок [13] ва қорақалпоқ [14] версиялари ҳам чоп этирилган. 1936, 1938 ва 1943 йилларда Бухоро араблари тили ва фольклорига доир материаллар тўплаган шарқшунос И.Н.Винников эса Ғиждувон туманидаги Жўғари қишлоғида яшовчи араблардан “Аҳмад-Юсуф” эртагини ёзиб олган [15].

“Юсуф билан Аҳмад” дostonининг ўзига хос хусусиятлари ва келиб чиқиши тарихи хусусида қизиқарли мулоҳазаларни билдирган Г.Вамбери дostonнинг 1911 йилдаги нашрига ёзган сўзбошида унинг ўзбек халқи эпик тафаккурининг маҳсули ўлароқ Хоразмда шаклланган, деган муҳим қарашни илгари сурган эди. Орадан қарийб 20 йил ўтгач мазкур дoston сюжетининг яратилиш тарихи ва тарқалиш ареали масаласи А.Н.Самойловичнинг 1929 йилда чоп этирилган туркман адабиёти тарихи очеркларидан анча кенг ёритилди [16]. Олим Юсуф билан Аҳмад саргузаштларига бағишланган жангнома дoston сюжети Шарқий Туркистондан Волга бўйларигача бўлган катта ҳудудда тарқалганлигини қайд этар экан, унинг сюжети билан “Китоби дадам Қўрқут”нинг “Бомси Байрак ва Бону чечак” бўйи (қисми) орасида яқинлик мавжудлигига эътиборни қаратган эдики, бу кейинчалик фольклоршуносликда “Юсуф билан Аҳмад” дoston сюжетининг генезисини қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосига доир мукамал тадқиқот муаллифлари В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифовлар томонидан ушбу дostonнинг жанрий мансубияти белгиланди ва “жангнома дoston” сифатида таснифланган мазкур эпик асарнинг шаклланишига қаҳрамонлик эпоси анъаналарининг таъсири атрофлича ёритилди. “Алпомиш” ва “Юсуф билан Аҳмад” дostonлари сюжетидаги айрим анъанавий мотивлар талқинидаги муштараклик, хусусан, “қаҳрамоннинг зиндонга тушиши”, “ғаним юрт кизининг зиндонбанд қаҳрамон ҳолидан хабар олиши”, “мусиқа асбоби ясаб қўшиқ айтиш”, “тутқун қаҳрамоннинг қушлар орқали ўз юртига хабар юбориши”, “узок муддатлик айрилиқ таъсирида қаҳрамоннинг ота-онаси кўр бўлиб қолиши”, “қаҳрамоннинг ўз хотини тўйи устига келиши” сингари мотивларнинг ўхшашлиги, ҳар иккала эпосда ҳам қаҳрамон синглисининг исми Қалдирғоч тарзида берилиши каби эпик параллелликлар таҳлили асосида “Юсуф билан Аҳмад” дoston сюжетининг шаклланишида ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси жиддий таъсир кўрсатганлиги далилланди.

Ҳозирга қадар туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек фольклоршунослигида “Юсуф билан Аҳмад” дostonи хусусида у ёки бу даражада фикр билдирилган манбалар кўп бўлса-да, бу эпик асарни махсус ўрганган икки тадқиқотчининг ишларига алоҳида тўхталиб ўтиш керак бўлади. Хусусан, ўзбек халқ китобларининг таснифи, жанр хусусиятлари, вариантлари,


ҚУЁШ ИССИҚ СУВ ТАЪМИНОТИ ЮКЛАМАСИ

Вардияшвили А.А., Теймурханов А.Т., Файзиев Т.А.,
Қаров Б.Х., Сайдалиев А.А. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: актив қуёш тизими, иссиқ сув таъминоти юкламаси, дренаж-сув чиқариш, бак аккумулятор, қуёш коллектори, иссиқлик алмаштиргич, қоплаш коэффициенти, қозон агрегати.

Маълумки, иссиқ сув таъминоти ишлаб чиқариш соҳалари ва коммунал-хўжаликлар учун қўлланилади. Ишлаб чиқариш соҳаларида, яъни кичик саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида (масалан, хомашё, озик-овқат маҳсулотларни тайёрлаш ва қайта ишлаш, ферма ва бошқа шунга ўхшаган хўжаликларда) иссиқ сув таъминотида (60...70 °С ли иссиқ сув талаб этиладиган технологик жараёнлар учун) қуёш қурилмаларидан кенг фойдаланиш мумкин. Индивидуал хўжаликлар ривожланиши билан қуёш қурилмаларига (автоном ва экологик тоза энергия манбаи сифатида) бўлган талаб ортиб бормоқда.

Қуёш қурилмалари иссиқлик ва иссиқ сув таъминотида, коммунал-хўжалигида, шахсий уйларда, хизмат, маданий-маиший, ўқиш, даволаш ва бошқа муассасаларда кенг ишлатилади. Иссиқ сув таъминоти турмуш маданиятини белгилайди ва яшаш шароити яхшиланган сари иссиқ сув истеъмолчи бўлган талаб ортиб боради. Анъанавий энергия манбаларидан узок турган минтакаларда қуёш қурилмаларидан кенг фойдаланиш энергетик, экологик ва социал аҳамиятга эга.




1-расм. Уч контурли қўшма иситиш ва иссиқ сув таъминоти актив қуёш тизимининг схемаси: 1-қуёш коллектори - сув иситкич; 2-бак - аккумулятор; 3-иссиқлик алмаштиргич; 4-иссиқ сув бак - аккумулятори; 5-уй - хонаси; 6-насос; 7-винтел; 8-совуқ сув тармоқдан; 9-кенгайиш баки - ҳаво чиқариш; 10-дренаж - сув чиқариш; 11-қўшимча иссиқлик манбаи; 12-қўшимча сув иситкич.


1-расмда уч контурли қўшма (уйғунлашган) қуёш иссиқлиги эвазига ишлайдиган иситиш ва иссиқ сув таъминоти схемаси келтирилган. Бу тизимда биринчи контур берк бўлиб, у сув иситкичли қуёш коллектори (1) ва иссиқлик алмаштиргич (3) лардан иборат. Иккинчи контур очик бўлиб, иссиқлик алмаштиргич (3), иссиқ сувли бак-аккумулятор (4), қўшимча сув иситкич (12) ва истеъмолчи (5) лардан иборат; бу контур иссиқ сув таъминоти учун ишлайди. Учинчи контур берк бўлиб, бак-аккумулятор (2), қўшимча иссиқлик манбаи (11) ва истеъмолчи (5) лардан иборат - иситиш таъминотида ишлайди.

Уй-рўзғорда иссиқ сув чўмилиш ва ювиниш, кир ва идишларни ювиш

хамда бошқа мақсадларда ишлатилади. Сувни иситиш учун талаб этиладиган иссиқлик миқдори, яъни иссиқ сув таъминотининг юкламаси, асосан уйда яшовчиларнинг (иситиш ва иссиқ сув саралаш) одатларига боғлиқ. Ҳар бир оила аъзоси бир суткада ўртача 60-100 л иссиқ сув сарфлайди. Сутка давомида иссиқ сув сарфи ўзгаради. 2- ва 3-расмларда иссиқ сув истеъмол қилишнинг суткалик ўзгариш графиклари келтирилган. Графиклардан кўринадики, уй-рўзғор учун энг кўп иссиқ сув эрталаб (7-11 соатларда) ва кечқурун (17-24 соатларда) истеъмол қилинади.



2-расм. Иссиқ сув истеъмол қилишнинг ўртача суткалик ўзгариш графиги: жами сутка давомида сарфланган иссиқ сув миқдорига нисбатан, %.



3-расм. Куёшли сув иситкич билан ҳосил қилинган иссиқ сувни истеъмол қилишнинг суткалик ўзгариш графиги: 1-уй-жой; 2-муассаса ёки лаборатория.

Корхоналарда эса соат 9 дан то соат 15-16 гача иссиқ сув истеъмоли деярли бир хил бўлади. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришда иссиқ сув таъминоти одатда даврий равишда ўзгаради: ҳафтанинг 5-6 куни зарур, охири куни эса иссиқ сувга зарурат йўқ. Агарда иссиқ сув 1-2 кун ишлатилмаса, у ҳолда бак-аккумулятордаги сувнинг температураси кўтарилди. Бу эса куёш коллекторининг иш самарадорлигини пасайтиради ва f қоплаш коэффициентини ҳисоблашда бу нарсани эътиборга олиш керак.

Уй-рўзғор учун иссиқ сув таъминотининг ойлик юкланмаси $Q_{ис}$ қуйидагича аниқланади:

$$Q_{ис} = G_{ис} (t_{ис} - t_{сс}) \rho C_p n; G_{ис} = m G_{ил}; \quad (1)$$

бу ерда $G_{ис}$ - суткалик иссиқ сувнинг сарфи, л/сут; $t_{ис}$, $t_{сс}$ - иссиқ ва совуқ сувнинг температуралари, °C; ρ - сувнинг зичлиги, кг/м³; C_p - сувнинг солиштирама иссиқлик сизими, Ж/(кг К); n - вақтнинг даври, с; m - яшовчилар сони; $G_{ил}$ -1 киши учун суткалик иссиқ сувнинг сарфи, л/(одам, сутка);

Жамоат ва ишлаб чиқариш биноларининг иссиқ сув таъминоти юкламаси ҳам (1) формула билан ҳисобланади, фақат иссиқ сув сарфи $G_{ис}$ норма бўйича белгиланади. Гигиеник норма бўйича иссиқ сувнинг рухсат этилган минимал температураси $t_{ис}=60$ °C олинади.

тонлар”нинг ёрқин намунаси бўла олади.

“Юсуф билан Аҳмад” достонида эпик қаҳрамонларнинг Гўзалшоҳга қарши кураши кенг кўламда баён этилади. Асарда тасвирланган воқелик талқинининг асосий мантикий ўзагини - она юртнинг дахлсизлигини қаҳрамонона химоя қилиш, уни ҳар қандай ташки кучлар хуружидан сақлаш, ватанни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, жангларда мислсиз жасорат кўрсатиш, она юртни жон-дилдан севиш, вафодор ёрни ардоқлаш, оила кўрғонини муқаддас деб билиш, халқлар ўртасидаги ўзаро дўстликни қадрлаш, бошқарувда адолат мезонига амал қилиш, ҳамжиҳатлик ва биродарликни улғулаш ғоялари устуворлик қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир бахши бу дostonни қунт билан ўрганиб, уни турли давра-йиғинларда жўшиб куйлашга ҳаракат қилган. Бинобарин, “ўзини етук дostonчи деб ҳисоблаган халқ шоири, бахшиси репертуарида “Юсуф билан Аҳмад” дostonини учратиш мумкин”лигининг [2] ўзи ҳам бу жангнома дostonлар халқ орасида нечоғли кенг шуҳрат қозонганидан далолат беради.

Марказий Осиё туркий халқлари, шу жумладан, ўзбек фольклориди “Юсуф билан Аҳмад” дostonининг ўзига хос оғзаки версияси мавжуд. Бу асар халқ орасида “Юсуф-Аҳмад”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Юсуфбек ва Аҳмадбек”, “Бўзўғлон” каби номлар билан ҳам юритилган. Бу дostonни нашр этиш ва илмий ўрганиш ишлари XIX асрнинг 2-ярмидан бошланган. Ўрта Осиё бўйлаб сафар қилган Г.Вамбери ўзининг 1867 йилда чоп эттирган “Чиғатой тили дарслиги” асарининг мажмуа қисмига Хоразмдан олиб кетган “Юсуф билан Аҳмад” дostonининг бир парчасини ҳам киритган [3]. 1911 йилда эса у ўзбек халқ эпосининг мазкур намунасини тўла ҳолда нашр эттирди [4].

XIX аср охирига келиб дostonнинг туркий тиллардаги босма нашрлари оммалаша бошлаган. Бу жангнома дostonнинг қўлёзма нусхалари юзасидан махсус тадқиқот олиб борган Р.Жуманиёзовнинг қайд этишича, “Юсуфбек ва Аҳмадбек” дostonи 1880 йили қозок тилига таржима қилинган. Бу ишни қозок маърифатпарвари Эшбой Қозок Қўзберган ўғли амалга оширган. Ўша нусха 1880, 1890 ва 1904 йилларда Қозонда кетма-кет нашр этилган. 1904 йилда эса Самарқанддаги Г.И.Демулов матбаасида, 1910 йилда Когон шаҳрида, Тошкентдаги Ғулом Ҳасан Орифжонов босмаҳонасида 1913, 1917 йилларда нашр этилган” [5]. Айниқса, 1904 йилда Қозонда Е.Козбергеноули тарафидан босилган “Бўзўғлон, Аҳмадбек ҳам Юсуфбек” дostonи [6] кўп ўқилган. Дostonнинг ана шундай босма нусхалари ва қўлёзмалари халқ орасида севиб ўқилган. Атоқли олим Ҳ.Зарифов ўзининг 1939 йилда нашр этилган “Ўзбек фольклори” мажмуасига “Юсуф билан Аҳмад” дostonининг ўзбек тилидаги қўлёзма нусхасидан бир парчани киритган [7].

Дostonнинг оғзаки вариантлари ўзбек халқ бахшилари орасида ҳам ғоят кенг тарқалган бўлиб, унинг энг муқаммал намунаси 1927 йилда атоқли халқ шоирлари Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ҳамда Фозил Йўлдош ўғли ижросида Ҳ.Зарифов томонидан ёзиб олинган [8]. Шундан кейин ўтказилган фольклор экспедициялари мобайнида бу дostonнинг яна бир нечта ўзбек вариантлари қозғога туширилиб, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивига топширилган бўлиб, биз бу намуналар тавсифи хусусида қуйида махсус тўхталамиз.

ФИЛОЛОГИЯ

“ЮСУФ БИЛАН АХМАД” ДОСТОНИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Жўраев М. (ЎзР ФА), Очилов Н. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: ўзбек фольклори, эпос, халқ достонлари, эпик сюжети, мотив, бахши, қаҳрамонлик эпоси, эпик анъана, вариант, версия, импровизация, достончилик мактаблари.

Маълумки, халқимиз ўзининг хилма-хил жанрлардан иборат халқ оғзаки поэтик ижодиёти, ўзига хос этномаданий кадриятлари ва бой адабий мероси билан дунё халқлари бадиий тафаккури ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Аждодларимизнинг ўзига хос бадиий-эстетик қарашлари, яратувчилик ва бунёдкорлик ғояларини ўзида мужассамлаштирган нодир иқтидори ва бекиёс ижодий салоҳияти туфайли юзага келган фольклор анъаналарининг асрлар давомида изчил ривожланиб келиши натижа-сида бизнинг юртимизда нафақат ўзбек, балки бутун Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг маънавий-маданий тараққиётида муҳим роль ўйнаган номоддий маданий мерос дурдоналари яратилган. Тарихан қадимий асосларга эга яхлит бадиий тизим сифатида шаклланган ўзбек халқ достончилиги ва эпик ижрочилик санъати анъаналари ҳам ана шу миллий кадрият тизимининг муҳим бир қисми ҳисобланади. Ўзбек халқ достонлари ўзининг тарихий-генетик асослари, яратилиш жараёни, ижтимоий воқеликни акс эттириш тарзи, жанр хусусиятлари, образлар таркиби ва талқинига кўра кўп қатламли эпик ҳодиса бўлиб, тарихий ва афсонавий жангу жадаллар, она юртни ҳимоя қилиш, ватан дахлсизлиги ва озодлиги учун кураш ғояларини акс эттирган асарлар ана шу эпик силсилада алоҳида ўрин тутди.

Атоқли олимлар В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг эътироф этишича, патриархал-уруғчилик муносабатлари амал қилган даврларда юзага келган қаҳрамонлик эпоси намуналаридан фарқли ўлароқ жангнома достонлар илк феодал давлатчилиги анъаналари шаклланган пайтда яратилган эпик асарлардир. Эпик тафаккурнинг тадрижий ривожига жараёнида қаҳрамонлик эпосига хос кўпгина хусусиятлар, шу жумладан, айрим анъанавий мотивлар ва воқеликни бадиий акс эттириш тамойиллари жангнома достонларда ҳам сақланган бўлса-да, “оила ва уруғ-қабиланинг ҳимоячиси сифатида гавдаланган баҳодирлик эпоси қаҳрамони ўзининг йигитлари билан душманларга қарши курашувчи шахзода – ҳарбий саркарда (рицарь)” [1] сифатида тасвирлана бошлайди. Ўзбек халқ бахшилари репертуарида турли жангу жадаллар тасвири орқали ватанга муҳаббат ва юртсеварлик ғояларини акс эттирувчи “Юсуф билан Аҳмад”, “Алибек билан Болибек” каби эпик асарлар мавжудки, қадимий қаҳрамонлик эпосига хос хусусиятларни ўзида акс эттирган бундай эпослар “жангнома дос-

Қарши шароитида йил давомида сув тармоқларидаги сувнинг температура-
тураси $t_{cc}=17-20\text{ }^{\circ}\text{C}$ оралиқда ўзгаради (4 расм).

Январь ойи учун иссиқ сув таъминотининг юкламасини аниқлаймиз.

Ҳисоблаш учун $n=31$ сут.; $m=5$; $t_{cc}=17\text{ }^{\circ}\text{C}$; $\rho=1$ кг/л; $C_p=4190$ Ж/(кг К) олинади. (1) формулага асосан иссиқ сув таъминотининг юкламаси:

$G_{и11} = 60$ л/(одам сут.) бўлганда:

$$Q_{ис1} = 5 \cdot 60 \cdot (60-17) \cdot 1 \cdot 4190 \cdot 31 = 1,676 \cdot 10^9 \text{ Ж/ой} = 1,676 \cdot 10^6 \text{ кЖ/ой}; \quad (2)$$

$G_{и12} = 100$ л/(одам сут.) бўлганда:

$$Q_{ис2} = 5 \cdot 100 \cdot (60-17) \cdot 1 \cdot 4190 \cdot 31 = 2,793 \cdot 10^9 \text{ Ж/ой} = 2,793 \cdot 10^6 \text{ кЖ/ой}. \quad (3)$$

Сув иситиш учун ёқилги сарфи

$$G_c = \frac{Q_{ис}}{Q_{св} \cdot \eta_n} \quad (4)$$

шартли ёқилги эса $G_{шс} = G_c \cdot \Xi$.

Бу ерда $Q_{ис}$ - иссиқ сув учун иссиқлик юкламаси, Ж; $Q_{св}$ - Муборак газининг қуйи ёниш иссиқлик миқдори, кЖ/м³; η_n - қозон агрегатининг Ф.И.К.; Ξ - ёқилгининг иссиқлик эквиваленти.

Ёқилги сарфини ҳисоблаш учун газ ёқилгида ишлайдиган қозон агрегатини, ёқилги сифатида эса Муборак газини олаемиз. Бу ҳолда қозон агрегатининг Ф.И.К. $\eta_n=0,55$; газ учун қуйи ёниш иссиқлик миқдори $Q_{св} = 38989 \text{ кЖ/м}^3$; ёқилгининг иссиқлик эквиваленти $\Xi = 1,33$.

(4) ва (5) формулаларига асосан ҳисобланади:

$$G_{с1} = \frac{1,676 \times 10^6}{38989 \times 0,55} = 78,12 \text{ м}^3 / \text{ой}; \quad (6)$$

$$G_{шс1} = 78,12 \times 1,33 = 103,9 \text{ кг ш.ё./ой}; \quad (7)$$

$$G_{с2} = \frac{2,793 \times 10^6}{38989 \times 0,55} = 130,2 \text{ м}^3 / \text{ой}; \quad (8)$$

$$G_{шс2} = 130,2 \times 1,33 = 173,2 \text{ кг ш.ё./ой}. \quad (9)$$

Юқорида келтирилган усулдан фойдаланиб бошқа ойлар учун ҳам иссиқ сув юкламаси $Q_{ис}$ ва ёқилги сарфи G_c , $G_{шс}$ ҳисобланади (1 жадвал).

1 жадвал

Иссиқ сув таъминоти учун йиллик иссиқлик юкламаси ва ёқилги сарфи

$m = 5$; $G_{шс} = 60$ л/(одам сут.); $G_{и2} = 100$ л/(одам сут.); $t_{ис} = 60\text{ }^{\circ}\text{C}$

| Кун, ой | 15/I | 14/II | 15/III | 15/IV | 15/V | 15/VI |
|-----------------------------------|-------|-------|--------|-------|-------|-------|
| n | 31 | 28 | 31 | 30 | 31 | 30 |
| $t_{cc},\text{ }^{\circ}\text{C}$ | 17 | 16,7 | 17 | 17,5 | 18,2 | 19 |
| $Q_{ис1} 10^9, \text{ Ж/ой}$ | 1,676 | 1,524 | 1,676 | 1,60 | 1,629 | 1,546 |
| $Q_{ис2} 10^9, \text{ Ж/ой}$ | 2,793 | 2,54 | 2,793 | 2,67 | 2,715 | 2,577 |
| $G_{с1}, \text{ м}^3/\text{ой}$ | 78,0 | 71,04 | 78,0 | 74,5 | 75,96 | 72,12 |
| $G_{с2}, \text{ м}^3/\text{ой}$ | 130,2 | 118,4 | 130,2 | 124,5 | 126,6 | 120,2 |
| $G_{шс1}, \text{ кг ш.ё./ой}$ | 103,9 | 94,5 | 103,9 | 99,4 | 101,0 | 95,88 |
| $G_{шс2}, \text{ кг ш.ё./ой}$ | 173,2 | 157,5 | 173,2 | 165,7 | 168,4 | 159,8 |

| Кун, ой | 15/VII | 15/VIII | 15/IX | 15/X | 15/XI | 15/XII |
|---|--------|---------|-------|-------|-------|--------|
| n | 31 | 31 | 30 | 31 | 30 | 31 |
| t _{сс} , °C | 19,5 | 20 | 19,7 | 19,2 | 18,5 | 17,7 |
| Q _{ис1} 10 ⁹ , Ж/ой | 1,578 | 1,559 | 1,52 | 1,53 | 1,564 | 1,648 |
| Q _{ис2} 10 ⁹ , Ж/ой | 2,63 | 2,598 | 2,533 | 2,65 | 2,608 | 2,747 |
| G _{с1} , м ³ /ой | 73,56 | 72,66 | 70,86 | 74,16 | 72,96 | 76,86 |
| G _{с2} , м ³ /ой | 122,6 | 121,1 | 118,1 | 123,6 | 121,6 | 128,1 |
| G _{ис1} , кг ш.ё./ой | 97,86 | 96,66 | 94,26 | 98,58 | 97,02 | 102,2 |
| G _{ис2} , кг ш.ё./ой | 163,1 | 161,1 | 157,1 | 164,3 | 161,7 | 170,4 |

Адабиётлар

1. Аvezов Р.Р., Орлов А.Ю. Солнечные системы отопления и горячего водоснабжения. - Ташкент: Фан, 1988. -288 с.
2. Аvezов Р.Р., Аvezова Н.Р. Повышение эффективности систем солнечного горячего водоснабжения //Фундаментальные и прикладные вопросы физики. Труды конференции посвященной 60-летию АН РУ и ФТИ. - Т.: 2003. -С. 183-184.
3. Байрамов Р.Б., Ушакова А.Д. Солнечные водонагревательные установки. - Ашхабад.: Ёлым. 1987. -168 с.
4. Бекман У., Клейн С., Дж. Даффи. Расчет систем солнечного теплоснабжения. - М.: Энергоиздат, 1982. -80 с.
5. Дж. А. Даффи, Бекман У.А. Тепловые процессы с использованием солнечной энергии. -М.: Мир, 1977. -420 с.
6. Дэвис А., Шуберт Р. Альтернативные источники энергии в строительном проектировании. - М.: Стройиздат, 1983. -190 с.
7. Ким В.Д., Хайридинов Б.Э., Холлиев Б.Ч. Радиационные и метеорологические режимы Кашкадарьинской области. - Карши, 2000. -73 с.

РЕЗЮМЕ

Ишда уч контурли қўшма иситиш ва иссиқ сув таъминоти актив қуёш тизмининг схемаси келтирилган. Муқобил энергия ҳисобида ишлайдиган қурилманинг қунлик, ойлик ва йиллик иссиқ сув таъминоти юқламасини ҳисоблаш усули кўрсатилган. Ушбу ҳисоблаш усули уч контурли қуёш сув иситкич қурилмаси энергия тежамкорлигини аниқлаш имконини беради.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрена схема активной трехконтурной совмещенной солнечной установки горячего водоснабжения. Приводится способ расчета нагрузки суточного, месячного и годового потребления горячей воды на одного человека. Представленный способ расчета позволяет определить показатели энергосбережения в солнечной трехконтурной водонагревательной установке.

SUMMARY

In article is considered the active scheme of threecontour mixed solar installation of hot wather supplying. Taking into consideration the consumption loading of daily, monthly and yearly expense of hot water which is taken the consultation of solar installation for a person. The shown way of calculation helps to define the energysaving in the solar threecontour waterboiling installation.

Наишга доц. Ғ.Ҳалимов тавсия этган

хорижий мамлакатларнинг ўқув муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келишмоқда.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Тошкент: Шарқ, 1999. - 247 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.- Тошкент: Ўзбекистон, 2000. - 352 б.
3. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Халқ сўзи, 1997, 29 август.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-ж. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004. - 704 б.
5. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти жорий архиви.
6. Ғуломов С. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Уч йиллик натижалар ва вазифалар // Маърифат, 2000 йил 9 декабрь.
7. www.nggi.uz.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистонда мустақиллик йилларида саноат соҳаси кадрларини тайёрлаш масаласи хусусида фикр юритилади. Жумладан, республиканинг турли вилоятларидаги олий таълим муассасалари ва уларнинг кадрлар тайёрлаш борасидаги тажрибалари таҳлил этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы подготовки кадров в сфере промышленности. А также анализируется опыт подготовки кадров в высших учебных заведениях разных регионов республики.

SUMMARY

The article investigates the problems of personnel training in industrial sphere. Furthermore, it analyzes the experimental qualification of the personnel training in various institutions around the Republic.

Наишга доц. О.Бўриев тавсия этган

технология, Тошкент вилоятидаги Қалмоҳир кон бошқармасида Олмалик кон-металлургия факультетининг кончилик иши ва электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари кафедралари филиаллари этилди [7].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1533-сонли қарори эълон қилингандан сўнг саноат кадрлари тайёрлайдиган ўқув муассасалари моддий техника базасини мустаҳкамлаш юзасида қатор ишлар олиб борилди. Масалан, Фарғона давлат политехника институтида қатор тизимли ишлар йўлга қўйилиб, 2013-2016 йиллар мобайнида институтнинг 9 та ўқув биноси, 4 та талабалар турар жойлари, 2 та спорт зали, Ахборот-ресурс маркази, босмахона, 2 та талабалар ошхонаси, 6 та хўжалик ва ёрдамчи биноларини капитал таъмирлаш, 1 та спорт залини қуриш режалаштирилди. 2013 йилда институт бош биноси ҳамда ўқув биноларида капитал реконструкция ишлари якунланди.

Юқорида номлари қайд этилган ўқув муассасалари ўзаро тажриба алмашиш, жаҳон илм-фанининг техника соҳасидаги ютуқларини ўрганиш, иктидорли ёшларни ўқишга юбориш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ривожланган давлатлар даражасида ошириш мақсадида дунёнинг қатор мамлакатлари таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда, айниқса, Россия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Хитой каби давлатлар салмоқли ўрин эгаллайди. Масалан, Фарғона давлат политехника институти жамоаси халқаро ҳамкорлик соҳасида катта ютуқларни қўлга киритди. Институт профессор-ўқитувчилари Санкт-Петербург давлат политехника университети, Санкт-Петербург давлат ахборот технологиялари, Механика оптика университети, Н.Я.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Москва автомобиль йўллар институти, Москва алоқа ва ахборотлаштириш институти, РФ нинг В.С.Шихов номидаги Белград давлат технология университети билан ўзаро ҳамкорлик қилди. 2014 йилда институтнинг 11 нафар профессор-ўқитувчиси хорижда бўлиб, улардан 6 нафари Европа давлатларига ва 5 нафар профессор-ўқитувчилар Осиё давлатларида бўлиб қайтишди. Хизмат сафарларининг мақсади хорижий ҳамкорлар билан таълим сифатини ошириш, илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш ҳамда энергетика соҳасида илмий изланишларни такомиллаштиришга қаратилди. 2014 йилда турли мақсадларда институтга ҳамкор давлат ва ташкилотлардан 5 нафар олимлар ва мутахассислар ташриф буюришди.

Фарғона давлат политехника институти профессор-ўқитувчилари ТЕМПУС ИВ дастури бўйича 543922-ТЕМПУС-1-2013-1-СЕ-ТЕМПУС-ЖПСР “МАЧ”: “Ўзбекистонда мехатроника бўйича янги магистрлик дастурларини ва докторлик курсларини жорий этиш” мавзусидаги хорижий лойиҳа устида бир қатор ишларни амалга оширишди.

Хуллас, Ўзбекистонда саноат кадрларини тайёрлаш борасида ўзига хос бой тажриба шаклланган бўлиб, республикадаги қатор ўқув муассасалари бу соҳада катта муваффақиятларни қўлга киритишди. Мазкур олий таълим масканлари ўқув жараёнларини ишлаб чиқариш билан биргаликда олиб боришди. Соҳа ишини такомиллаштириш мақсадида доимий равишда

ТАРИХ

ҚАДИМГИ МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ ВА ЎРТА ОСИЁ КЎЧМАНЧИЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Эшов Б. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: ўтроқ аҳоли, кўчманчи халқлар, цивилизация, ўзаро муносабатлар, саклар, массагетлар, даҳлар, манбалар, давлатчилик, бақтрийлар, сугдийлар, хоразмийлар.

Ўрта Осиёнинг табиий-географик жойлашуви бу минтақада қадимги даврлардан бошлаб аҳоли фаолият кўрсатишининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берган эди. Мазкур минтақа Марказий Осиё ва Шарқий Европа, Жанубий Осиё ва Жанубий Сибирь ўртасида, тоғли ҳудудлар ва текисликлар, дашт ва ярим дашт оралиғида жойлашганлиги боис бу ер кўчманчи қабилалар ва деҳқончилик воҳаларининг доимий муносабатлари майдони ҳисобланган.

Маълумотларга кўра, мил. ав. III-II минг йилликлар ҳудудда аҳолининг ўтроқ ва кўчманчи воҳаларда шаклланиш даври бўлган. Шунинг учун ҳам фандаги кўпгина долзарб масалалар (лингвистлар учун ҳиндорий қабилаларининг ёйилиши, археологлар учун илк цивилизациялар, давлатчилик ва шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши, антропологлар учун Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типининг шаклланиш асослари ва б.) айнан бронза даври билан боғланади. Бу даврда аҳолининг табиий ҳудудлар бўйича хўжалик жиҳатдан табақаланиши содир бўладики, олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг деҳқончилик билан шуғулланган жанубий ҳамда чорвачилик билан шуғулланган шимолий ҳудудларини ажратиш имконини беради. Илк темир даврига келиб бу жараён янада чуқурлашиб боради [1].

Таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё халқларининг қадимги даврлари тарихи ўрганилаётганда тадқиқотчилар кўпроқ Бактрия ва Сугд, Бактрия ва Марғиёна, Бактрия ва қадимги Хоразм, Бактрия ва ахамонийлар империяси ўртасидаги турли алоқалар масалаларига кўпроқ эътибор қаратган бўлсалар-да, маҳаллий аҳолининг Ўрта Осиё кўчманчи халқлари билан ўзаро муносабатлари масаласи алоҳида мавзу сифатида тадқиқ этилмаган.

Ўрта Осиё халқлари тарихида қадимги давлатлар сингари кўчманчи сак ва массагет халқларининг ҳам ниҳоятда ўрни катта бўлиб, улар ҳақидаги маълумотлар “Авесто”дан бошланади. Унда зикрланган “тур”, “турлар” қабилалари бевосита Ўрта Осиёнинг кўчманчи халқлари сак ва массагетлар билан боғланади. Таъкидлаш лозимки, Бактрия ва сак номларининг жуда кўп манбаларда бирга эсланиши бу халқларнинг Ўрта Осиё халқлари тарихида нуфузи баланд бўлганидан далолат беради.

В.М.Массон ахамонийларгача бўлган Ўрта Осиёнинг сиёсий харитасини қуйидагича тасаввур қилади: “Бактрия йирик сиёсий бирлашма (давлат) бўлган, унинг маданий ва сиёсий доираси Марғиёна, эхтимол, орийлар ва сугдийларгача ёйилган. Иккинчи сиёсий куч кўчманчилар дунёсидир. Уларнинг ҳар хил иттифоқи (уюшмаси) бўлган ва улар турли

кўчманчи қабилаларни бирлаштириб турган. Мил. ав. VI аср ўрталарида кўчманчилар ўртасидаги юқори мавқени массагетлар эгаллаганлар” [2].

Кўчманчилар дунёсида илк табақаланиш муносабатлари ва давлатчиликнинг ривожланиши тўғрисида фанда ҳар хил ғоялар мавжуд. А.И.Першиц ва А.М.Хазановлар “кўчманчилар ўз ҳолича фақат илк синфий муносабатлар даражасигача ўсиши мумкин. Уларнинг кейинги ривожини фақат қўшни дехкон ва шаҳар жамоаси таъсирида ривожланади”, деган фикрни илгари сурган бўлса [3], Ю.В.Павленко “Кўчманчилар дунёси ўз ҳолича, яъни цивилизациялашган қўшни жамоалардан ташқарида ривожланганда, уларга бўйсунган дехкон ва шаҳар жамоалари бўлмаганда, улардан солиқлар йиғилмаганда ва, ниҳоят, уларнинг бир гуруҳи ўтроклашмаганда, ўтроклашган ҳудудларда шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши жараёнлари кечмаганда кўчманчилар жамоаси ҳаттоки илк синфий муносабатлар даражасига ҳам чиқа олмаган бўларди”, деб ҳисоблайди [4, 5].

Бизнингча, бу фикрлар кўчманчи халқлар турмуш тарзи ҳамда уларга хос яшаш шароити натижасида кўчманчи халқлар яратган моддий маданиятга эътиборсизлик сабабли пайдо бўлган. Тадқиқотлардан кўринадики, қадимги хўжаликларда ишлаб чиқаришнинг асоси дехкон жамоаларида ер, шаҳарда хунармандчилик бўлса, чорвадор-кўчманчи қабилаларда чорвачилик ҳисобланади. Чорва шахсий мулк ҳисобланади. Чорва молларини боқадиган яйловлар жамоа тараққиётининг илк босқичларида умумий бўлган. Лекин чорва моллари сонининг ошиши натижасида яйловлар ҳам қабилла ёки қабилла иттифоқчилари ўртасида бўлини боради. Сув ҳавзалари чорвани боқиш ва кўпайтириш учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Яйловларни, чорвани, сув ҳавзаларини кўриқлаш учун эса қуролланган кўриқчи ёки жангчилар гуруҳи вужудга келади.

Тадқиқотларга кўра, кўчманчи жамоаларда кўпроқ иккита ижтимоий қатлам кузатилади. Булар: катта чорвага эга бўлган ҳукмдорлар ва улар хизматида бўлган камбағал жамоалар [6]. Ўрта Осиё илк кўчманчиларининг оилавий муносабатлари ва ижтимоий табақаланиши масалалари “Авесто”да, антик давр тарихчилари, жумладан, Геродот асарларида ўз аксини топган.

Ўрта Осиё кўчманчиларининг сиёсий ҳаёти тўғрисида қуйидагича маълумотлар бор: ҳар бир кўчманчи қабилаларнинг бошида шоҳ ёки малика туради. Массагетларда малика Томирис, сакларда малика Зарина, шоҳ Аморг, шахзода Спаретра (Мавак) ва б. Шоҳ ёки малика уруш вақтида кўмондонлик қилган, бошқа қабилла шоҳларига тинчлик ёки иттифоқ тўғрисида элчилар юборган. Шоҳлик авлоддан авлодга ўтган. Ктесий маълумотларига кўра, саклар ўлган шоҳларга катта кўрғон - қабрлар қурган. Қабрлар учбурчак шаклда бўлиб, учи баландга кўтарилган. Бу пирамидалар олтин тақинчоқлар билан безатилган [7].

Ўрта Осиё кўчманчилари сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган халқ йиғини тўғрисида ҳам И.В.Пьянков маълумотлар тўплаган. Халқ йиғинида барча қуролли жангчилар қатнашган. Йиғинда уруш ёки сулҳ масалалари ҳал қилинган. Агар уруш тўғрисида битимга келинса, ҳамма жангга отланган. Кўчманчилар ҳақидаги ёзма қонунлар тўғрисида гапиришга асос бўлмаса-да, дербикларда енгил жиноятлар учун ҳам ўлим жазоси берилганлиги тўғрисида маълумотлар бор [8].

ситетда 11 мингдан зиёд талаба таҳсил олган [4:549].

Республика жанубий вилоятлари нефть ва газ соҳасини кадрлар билан таъминлашда Қарши давлат муҳандислик-иқтисодиёт институтининг алоҳида ўрни бор. 1990 йили Тошкент давлат политехника институтининг Қарши филиали ташкил этилиб, саноат соҳаси мутахассис кадрларини тайёрлаш бошланди. 1995 йили Қарши давлат аграр-иқтисодиёт институти ва Тошкент давлат техника университетининг Қарши филиали негизида Қарши давлат муҳандислик-иқтисодиёт институти ташкил этилди. 2010 йили мазкур институтда нефть ва газ факультети ташкил этилди. Факультетда технологик машиналар ва жиҳозлар, нефть-газ конлари геологияси ва разведкаси, нефть-газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш каби кафедралар фаолияти йўлга қўйилди. Факультет, асосан, йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан “Шўртаннефтгаз” УШК, “Ҳисоролди нефть ва газ қидирув экспедицияси” УШК, “Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖ, “Косон нефть ва газ қидирув экспедицияси” УШК, “Муборакнефтгаз” УШК, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртангаз-кимё мажмуаси, Дехқонобод калий ўғитлари заводида кадрлар тайёрлаб беради [5].

Навоий давлат кончилик институти истиқлолнинг илк йилларида Ўзбекистон кон-металлургия мажмуининг устувор ривожланиши ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бериш мақсадида ташкил этилди. Институт жамоаси минерал хомашё базаларига эга бўлган ҳудудларда ер ости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш борасида йирик ихтисослашган гидрометаллургия корхоналарида кончилик саноати, металлургия, машинасозлик, энергетика, кимё соҳасини янада ривожлантириш бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш юзасидан катта ишларни амалга оширди.

Кончилик иши, кон электромеханикаси, нодир ва радиоактив металл рудаларини қазиб олиш ва қайта ишлаш техника ва технологияси, электр энергетикаси, машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув, металлургия, кимёвий технология таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар; фойдали қазилма конларини очиқ усулда қазиб олиш, фойдали қазилмаларни ер ости усулида қазиб олиш, нодир ва радиоактив металл рудаларини қазиб олиш ва қайта ишлаш техника ва технологияси, нодир ва радиоактив металл рудаларини қайта ишлаш ва бойитиш технологияси каби мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрланди.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш орасидаги интеграцияни ривожлантириш мақсадида тегишли ташкилотлар қошида қатор кафедралар филиаллари ташкил этилди. Жумладан, Навоий гидрометаллургия заводида металлургия, ноёб ва радиоактив металл рудаларини қазиб олиш ва қайта ишлаш техника ва технологияси, Навоий машинасозлик заводи ишлаб чиқариш бирлашмасида машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришларини автоматлаштириш, электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари, Навоий электр тармоқлари корхонаси ва Навоий давлат иссиқлик электр станциясида электр энергетика; “Навоий азот” ОАЖда ва Навоий электрокимё заводида кимё ва кимёвий

Саноат соҳаси кадрларини тайёрлайдиган олий ўқув юртлири юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасида халқаро ташкилотлар ва хорижий ўқув муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқда.

Юқорида таъкидланган вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизими ривожланиш йўналишлари ва соҳадаги муаммолар моҳиятини таҳлил қилиб, унинг аҳамиятини ўрганиш долзарб мавзудан бирига айланаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Истиклол йилларида олий таълим муаммолари ва келгуси режалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, нутқларида кенг таҳлил этилган [1].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида (1997 йили 29 август) қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида Ўзбекистонда олий таълим тизимининг ҳуқуқий асослари яратилиб, соҳадаги хато ва камчиликлар билан бирга уни келгусида ривожлантириш истикболлари ҳам белгилаб берилди [3].

Кейинги йилларда вақтли матбуотда олий таълим соҳаси фаолиятининг у ёки бу жиҳатларини теран таҳлил этишга бағишланган мақолалар доимий эълон қилиниб борилмоқда [6]. Жумладан, С.Ғуломов мақоласида мустақиллик йилларида олий таълим тармоғини ривожлантириш ва муаммоларни бартараф этишга доир фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Аммо ҳозиргача Ўзбекистонда саноат соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари тарихи мавзуси махсус тадқиқот объекти бўлмаган.

Юқорида таъкидланганидек, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб давлатимизда таълим-тарбия соҳаларини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ” [2:18].

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида саноатнинг турли тармоқлари учун кадрларни, асосан, Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат иқтисодиёт институти, Тошкент давлат тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент давлат кимё-технология институти, Андижон давлат муҳандислик-иқтисодиёт институти, Бухоро давлат озиқ-овқат ва енгил саноат институти, Жиззах давлат политехника институти, Қарши давлат муҳандислик-иқтисодиёт институти, Наманган давлат муҳандислик-иқтисодиёт институти, Фарғона давлат политехника институти тайёрламоқда.

Республика саноат корхоналарини кадрлар билан таъминлашда Тошкент давлат техника университетининг ўрни бекиёс. 1991 йили политехника институти ва машинасозлик институти негизда мазкур ўқув маскани ташкил этилди. Университетда энергетика, электроника-автоматика ва ҳисоблаш техникаси, механика-машинасозлик, кон-геология, иқтисод-муҳандислик, нефть ва газ, фундаментал фанлар, гуманитар таълим ва бизнес бошқарув факультетларида 93 та кафедра фаолияти йўлга қўйилган. Университетда 33 та йўналиш бўйича бакалаврлар, 66 та йўналишда магистрлар тайёрланди. Биргина 2002-2003 ўқув йилида универ-

Ўрта Осиё кўчманчи аҳолиси ўртасидаги ижтимоий табақаланиш тўғрисида ҳам мушоҳада қилса бўлади. Массажетларда отлик қўшин ва пиёда аскарлар бўлганлиги тўғрисида хабарлар бор. Пиёда аскарлар камбағал табақани англатса, жанговар кийимлари олтин тақинчоқлар билан безатилган отлик аскарлар эса юқори табақани англатади. Манбаларда ҳукмдор сўзини билдирувчи “династи” термини ҳам учрайди. Династилар ўз қўшинини тузиши, жангга чиқиши ва шу йўл билан ўз худудини кенгайтириши ва бойлигини ошириши мумкин бўлган [8].

Массажет, сак ёки даҳ қабилалари қолдирган моддий маданиятни ўрганиш ва шу асосда Ўрта Осиё кўчманчиларининг ижтимоий табақалари ва давлатчилиги борасида археолог олим Б.А.Литвинский изланишлари мавжуд. Олим Помир сак қабилаларининг келиб чиқиши, ижтимоий қатламлари тўғрисида маълумотлар тўплаган [9].

Сакларнинг мазор-қўрғонлари Бактрия ерларига яқин бўлган Помир тоғларида, Суғдиёна чегараларида - қуйи Зарафшонда, Хоразм атрофларида, қўйи Сирдарёда ва бошқа худудлардан топиб текширилган. Бу тадқиқотлар орасида юқорида эслатилган Б.Литвинскийнинг Помир саклари қўрғонлари қазилмаларига бағишланган тадқиқотлари диққатга сазовордир. Унда саклар ҳаётига бағишланган ёзма манбалар, Ўрта Осиё кўчманчи халқларининг географик жойлашуви, Помир саклари яратган моддий маданияти намуналари, уларнинг ўтроқ аҳоли билан муносабатлари масалалари ўз ечимини топган [10].

Бактрия ва саклар тўғрисидаги маълумотлар кўплаб ёзма манбаларда бирга эсланди. А.С.Сагдуллаев Ўзбекистон тарихининг қадимги даврларига бағишланган ёзма манбаларни ва маълумотларни тўплаб нашр эттирган. Унда келтирилишича, Геродот “Тарих” китобини милoddан аввалги 455-445 йиллар давомида ёзган. Асарда Бактрия, Бактра, бактрияликлар 13 марта, суғдлар 2 марта, хоразмликлар 3 марта, саклар 11 марта, массажетлар 19 марта тилга олинди, уларнинг моддий маданияти, урф-одатлари, дини, тарихи ва муносабатлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Геродотнинг Ўрта Осиё тўғрисидаги асосий фикрлари форсларнинг сак, массажетларга қарши юришлари, Кир II ва Тўмарис ўртасидаги сиёсий муносабатлар, ахамонийлар ҳарбий қўшинлари сафида юртимиз худудиде яшаган халқлар жангчиларининг иштироки, уларнинг қурол-аслаҳалари, йўлбошчилари, форс-юнон урушларида уларнинг кўрсатган жасорати, халқларнинг ахамонийлар давлатига бўйсунуши ва махсус хирож тўлаши, сак-массажетларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи ва диний эътиқоди, Ўрта Осиёдаги Акес дарёсининг сувларидан фойдаланиши ҳақида ва бошқа айрим маълумотлардан иборат.

А.Сагдуллаев тадқиқотларидан қуйидаги маълумотни олиш мумкин: шох Доро айтурки, “Ахурамазда иродаси билан қуйидаги давлатларни қўлимга киритиб, уларнинг подшоши бўлдим: Форс, Элам, Бобил, Оссурия, Арабистон, Миср, Лидия, Мония, Мидия, Арманистон, Каппадокия, Парфия, Дрангиёна, Арьё, Хоразм, Бактрия, Суғдиёна, Гандхара, Сака, Саттагадия, Арахозия, Мака, ҳаммаси бўлиб 23 давлат” [10].

Подшо Доро хабар қилади: “Бундан сўнг мен сакларга қарши улар юртига бостириб бордим, уларнинг ўзлари чўкки қалпоқ кийиб юрадилар. Мен дарёга етиб келдим, дарёда кемалардан кўприк қилиб, сакларни тор-

мор қилдим. Уларнинг сардори Скунха исми одамни тутиб, мени ху-зуримга келтирдилар. Мен ўз хоҳишим билан саклар юртига янги бошлиқ тайин қилдим. Шундан сўнг мамлакат менинг қўл остига ўтди” [2].

Эрондаги қадимги Персеполь шаҳридан бактрияликлар, хоразмликлар, суғдлар ва сакларнинг ўйиб ишланган расмлари топилган (Доро I ва Ксеркс подшолар сарой деворларидаги бўртма расмларда турли халқларнинг хирож келтириш манзараси тасвирланган). Персеполь саройидаги расмлар Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги тасвиридир [2].

Бу тасвирлардаги ўн биринчи гуруҳда узун чўқкили қалпоқлардаги саклар кўрсатилган. Улар кийим-кечакларни кўтариб отни етаклаб бор-моқдалар. Ўн бешинчи гуруҳда бактрияликларнинг беш вакили идишларни ва туяни етаклаб бораётганлиги тасвирланган. Бу расмларда солиқ тўловчиларнинг аҳамонийларга турли хил буюмлар (хунармандчилик, тикувчилик, заргарлик, ҳарбий қурооллар), қадимги Шарқда машҳур бўлган отлар ва туяларни олиб келаётгани тасвирланган.

Бактрияликлар ва сак қабиаларининг манбаларда бирга эсланиши юнон тарихчилари асарларида ҳам учрайди. Геродотнинг асарида Ўрта Осиё халқларининг Ксеркс қўшинлари ичида қадимги дунё тарихида машҳур бўлган. Марафон ва Саламин жанглирида (юнон-форс урушлари) қатнашганлари ҳақида маълумотлар бор. Марафон жангида сакларнинг отлик қўшинлари ниҳоятда катта жасурлик кўрсатганлар [11].

Саклар ва Бактрия чавандозлари аҳамонийлар қўшинларидаги энг жа-сур қисмлардан бири ҳисобланган. Геродот хабарига кўра, Ксеркснинг отлик қўшинларида фақат айрим халқлар вакилларигина махсус хизматда бўлган, булар форслар, мидияликлар, саклар, бактрияликлар, хиндлар, ливияликлар, каспийлар, араблар [2].

Геродот мунтазам равишда аҳамонийлар ҳарбий қўшинларидаги ма-ҳаллий халқларнинг жангчи вакиллари ҳақида ёритади: “Бактрияликларнинг уст-боши мидияликларнинг уст-бошига ўхшаган, улар ўқ-ёй ва калта найзалар билан қуроолланганлар. Саклар (скиф қабиласи) узун чўқки-ли қалпоқлар кийиб, камон ва ханжарлар билан қуроолланганлар, яна уларда икки қиррали ҳарбий болталар - сагарислар бўлган. Ушбу қабила (айнан скиф қабиласи) аморгий саклар деб номланган. Форслар скиф-ларнинг ҳаммасини саклар деб атаганлар...”[2].

“Парфияликлар, хоразмликлар, суғдлар, гандарийлар ва дадиклар бак-трияликларнинг қуроолларига ўхшаган яроғ-аслаҳалари билан ҳарбий юришни бошлаганлар. Уларнинг йўлбошчилари: парфияликлар ва хоразм-ликларники - Фарнак ўғли Артабоз; суғдларники - Артей ўғли Азан бўл-ган”. “Бактрия чавандозларининг қурооллари пиёда аскарлари қуроолларига ўхшаган” [Геродот. Тарих, VII, 66.].

“Олдинги замонларда бактрийлар, суғдларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари кўчманчиларнинг турмуш тарзидан кўп фарқ қилмаган, аммо бактрийларнинг анъаналари анча юқори маданиятга эга бўлган” [2].

Страбон Аракс ҳақида бундай хабар қилади: “У матиёнлар вилоятдан бошланади ва қирқ дарёга бўлиниб, скифлар билан бактрияликларни ажратади”. Тадқиқотчилар фикрига кўра, Страбон буни тарихчи Каллис-фен маълумотларига асосланиб айтган. Аракс - Амударё Бактрия ерларини Помир тоғларида ёки дарёнинг ўрта оқими атрофида яшовчи саклардан

22. Фармонова Б.А. Ремесленное производство в Ферганской долине в второй половине XIX – в начале XX вв: Автореф дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. - Б. 27.

23. Қиличов У. Ўзбекистонда миллий хунармандчиликнинг ривожланиши (1991-2006 йй.): Тарих фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2010. –Б.29.

РЕЗЮМЕ

Мақолада жанубий Ўзбекистон вилоятлари халқ амалий санъати тарихи хусу-сида фикр юритилади. Жумладан, турли тарихий даврларда мазкур санъат соҳаси ҳақида эълон қилинган илмий ишлар таҳлил этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается история прикладного искусства народов южных регионов Узбекистана, анализируются научные работы разных лет, посвященные этой проблеме.

SUMMARY

This article investigates the history of mastership and its historiography in the southern regions of Uzbekistan. Besides, the article analyzes the scientific works published on the particular and specific problem.

Нашрга доц. О.Бўриев тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Шодмонова Д. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: мустақиллик, саноат, корхона, кадрлар, инсти-тут, университет, факультет, кафедра, иқтисодиёт, политехника, ҳамкорлик.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан янги ижтимоий-иқтисодий шароитга мос бўлган кадр-лар тайёрлаш давр талабига айланди. Ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқти-содий ва маданий тараққиётида турли соҳаларда фаолият олиб бораётган кадрлар ва уларнинг тайёргарлик даражаси, билим ва кўникмаси муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, кадрлар сиёсатининг тўғри йўлга қўйилиши муайян давлатда турли соҳалар тараққиётининг қай аҳволда эканлигини аниқлашга ёрдам беради.

Олий таълим муассасалари республика ижтимоий-иқтисодий ривожиди ўз ўрнига эга. Ҳозирги олий таълим муассасалари академик ва профес-сионал таълим хизматларининг юксак халқаро стандартлари қоида-талаб-ларига жавоб бера оладиган илмий-педагогик марказларига айланмоқда.

Ўзбекистонда бозор муносабатлари тизимининг шаклланиши ва ривож-ланишида олий таълим муассасалари вазирликлар, корхоналар, ўқув-илмий ва тижорат тизимини юқори малакали мутахассис кадрлар билан таъминламоқда. Хусусан, қисқа давр мобайнида саноат кадрлари тайёр-лаш борасида ўзига хос анъана ва тажриба шаклланди. Бу соҳада ҳам жид-дий ислохотлар амалга оширилиб, ўтмиш мафқурасидан қолган муаммо ва камчиликлар бартараф этилмоқда. Шунингдек, истиклол йилларида соҳа-нинг мустақкам ҳуқуқий асослари яратилиб, ҳаётга татбиқ этиб борилди.

йим-кечаклари, тақинчоқлари билан боғлиқ анъаналар тўғрисида қимматли маълумотлар тўплаган. Қашқадарё воҳаси маданий марказлари тарихи Г.Таниева изланишларида ўз аксини топган [19]. Муаллиф ўз тадқиқотида воҳанинг муҳим маданий марказлари, аҳолисининг касб-кори, хунармандчилиги билан боғлиқ тарихига алоҳида эътибор қаратган.

Мустақиллик даври, том маънода, илм-фан ривожини учун кенг имкониятлар эшиги очилган давр бўлди. Ҳозирги замон тадқиқотчилари олди-га бир томондан совет тузуми даврига оид эски қарашлардан воз кечиш, масалани янги таҳлил этиш вазифасини қўйган бўлса, бошқа томондан, мустақиллик давридаги маданий, хусусан, халқ амалий санъати ривожланишининг тарихий-назарий жиҳатларини илмий асосда ўрганиш долзарб эканлиги белгилаб қўйилди.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -326 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Тошкент, 1991, 30 октябрь. -№10.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2008.
4. Алиев С. Риштоннинг мовий сополи // Санъат. – Тошкент, 1998. - №1-3. -Б. 34-35.
5. Балков В. Кустарно-ремесленная промышленность Средней Азии. – Ташкент, 1927. - С. 94.
6. Бикжанова М.А. Ювелирное искусство Советского Узбекистана. –Ташкент, 1949. – С. 87.
7. Богословская И., Летаева Л. Нақшли дўппилар сири // Санъат. –Тошкент, 1999. -№1. –Б. 34-37.
8. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент, 1990. - Б. 308
9. Вейрман Б.В. Архитектурно-декоративное искусство Узбекистана. – М., 1948. - С. 60.
10. Веймарн Б.И. Искусство Средней Азии. – М., 1940. - С.82.
11. Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. -Тошкент, 2006.
12. Десятчиков Б., Пономарев Я. Социалистическая реконструкция ремесленно-кустарной промышленности УзССР. – Ташкент: Госиздат. УзССР, 1940. -С. 39.
13. Дудин С.М. Ковровые изделия Средней Азии. – Ташкент, 1928.
14. Гаврилова М.Ф. Ткацкое искусство узбекской женщины Милабада. – Ташкент, 1927. - С. 54.
15. Казакбаев А. Развитие местной кооперативной промышленности Узбекистана в послевоенные годы (1946-1960 гг): Дисс. ... канд. ист. наук. –Ташкент, 1994. –С. 150.
16. Никифоров Б., Веймарн Б. В борьбе за пролетарское искусство Узбекистана и Таджикистана // За пролетарское искусство.,1932. - № 3.
17. Семенов А.А. Исторический очерк художественных ремесел Узбекистана // Литература и искусство Узбекистана. – Ташкент, 1937. - №4-5.
18. Сухарева О.А. К истории развития Самаркандской декоративной вышивки // Литература и искусство Узбекистана. – Ташкент, 1937. - №6.
19. Таниева Г. Қарши беклиги тарихидан лавҳалар. – Тошкент: А.Навоий номи-даги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашр., 2006. - Б. 47.
20. Пещерова Е.М. Прикладное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1945.
21. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусства Узбекистана. – М., 1965. - С.79.

ажратиби олиши мумкин эди. Ҳарбий юришларда қатнашган Каллисфен бу вазиятни аниқ кузатган [12].

Босқинчилар бактрияликлар ва сак (скиф) қабилаларидан ваҳимага тушиб турган. Буюк Александр ҳам ноқулай вазиятдан қўрққанлиги тўғрисида қуйидаги маълумотни ўқишимиз мумкин: “У душмандан эмас, ноқулай вазиятдан қўрққан эди. Бактрийлар исён кўтардилар, скифлар безовта қиладилар, унинг ўзи зўрға оёқда туриб, отга минишга ҳам, йўлбошчи бўлишга ва аскарларни руҳлантиришга ҳам имкон топмади...”

Келтирилган манбаларнинг ҳаммаси ҳам ишонарли ва ўта илмий бўлмас-да, улар ҳаққоний тарихни тиклаш учун муҳимдир. Геродот Ўрта Осиё халқлари жойлашувидаги нафақат аниқ, балки умумий чегаралардан ҳам беҳабар бўлган. Тарихчи массагетларнинг худудий жойлашуви ҳақида бундай ёзади: “...шарқда, қуёш чиқиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёғида жойлашган...” Аракс дарёси Матиёна тоғлари, Геродотнинг тушунишича, Помир ёки Ҳиндикуш тизмаларидир, чунки тарихчининг айтишича, Матиёна тоғларидан Ҳинд дарёси ҳам бошланади”.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, минг йиллар давомида Ўрта Осиё худудларида яшаб ўтган қабилалар ва элатларнинг тарихи, маҳаллий аҳолининг бунёдкорлик фаолияти ва маданияти исиз йўқолиб кетмаган. Манбаларнинг тасдиқлашича, мил. ав. VII-VI асрларда минтақанинг деҳқончилик воҳаларида суғдийлар, бактрияликлар ва хоразмийлар яшаб, Шарқ цивилизациясида муносиб ўринга эга бўлган қадимги Ўзбекистон цивилизациясини бойитиб бордилар. Ўтроқ зироаткор аҳоли суғдлар, бактрийлар, хоразмийлар ва кўчманчи халқлар – сак, массагетлар қариндош халқлар бўлиб, доимий равишда иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқада бўлганлар.

Адабиётлар

1. Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. – Тошкент: Фан ва технология, 2008. - Б. 105.
2. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк манбаларда. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
3. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА, 1959. -№73.
4. Першиц А.И. К вопросу о социальных отношениях у кочевников. Основные проблемы африканистики: Этнография. История. Филология. - М.: Наука, 1973. - С.3-23.
5. Хазанов А.М. Социальная история скифов: Основные проблемы развития древних кочевников евразийских степей. - М.: Наука, 1975. - С. 275.
6. Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. - Киев, 1989.
7. Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана, ТД. Ноябрь. 1975. - Л., 1975. - С. 84.
8. Пьянков И.Н. Общественный строй ранних кочевников... - С. 84-93.
9. Пьянков И.Н. Средняя Азия по данным античных авторов. - М.: Наука, 1981. - С. 46-55.
10. Литвинский Б.А. Древние кочевники “крыша мира”. - М., 1972.
11. Gerold Walser Persepolis. Tübingen, 1980.
12. Страбон. География. XI китоб, XI боб, 3 -б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўрта Осиёнинг қадимги ўтроқ деҳқончилик аҳолиси ва кўчманчи қабилалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар археологик ва ёзма манбалар ёрдамида таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье на основе археологических данных и письменных источников анализируются взаимоотношения между древним земледельческим населением и кочевыми племенами Средней Азии.

SUMMARY

The relations between ancient farming settlers and nomadic tribes has been throughly analysed in this article.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ

Тоштемирова Н. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: мустақиллик, таълим, университет, хориж, халқаро ҳамкорлик.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, турли халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳаларда қизғин ҳамкорлик олиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларида таълим соҳаси марказий бўғинлардан бири бўлиб, таълим тизимининг барча босқичларида муассасалар хорижий давлатларнинг у ёки бу таълим масканлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўтган давр мобайнида бу соҳада таълим йўналишида ўзига хос тажриба шаклланди. Айниқса, олий таълим муассасалари катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўзбекистонда бирорта ҳам хориж мамлакатлари билан алоқа ўрнатмаган олий ўқув юрти йўқ. Бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим: “Олий ўқув юртини ислоҳ қилаётганда, уларнинг бошқа давлатлардаги олий ўқув юртлари билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур. Ўз домлаларимиз билан чекланиб қолмай, четдан ҳам домлалар чақиришни йўлга қўйишимиз керак.

Юртимиз йигит-қизлари таҳсилнинг охириги йилларини тараққий топган давлатларнинг ўқув марказларига бориб ўқишларини ташкил қилишимиз мақсадга мувофиқ иш бўларди. Бунга ҳеч қандай мафкура аралашмаслиги керак” [1:20-21].

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли таълим муассасалари Буюк Британия, Германия, Испания, Австрия, Бельгия, Франция, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркменистон олий таълим муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон таълим соҳасида жаҳоннинг АКСЕЛЕС, АЙРЕКС, Америка коллежлари консорциуми, САРЕ, Тинчлик корпуси (АҚШ), Конрад Аденауэр фонди (Германия), Британия Кенгаши, ТАСИС каби халқаро

қимматли маълумотлар келтириб ўтилган. Муаллифларнинг асарларида Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларида хунармандчилик буюмлари ишлаб чиқаришга оид ўзига хосликлар, халқ амалий санъатининг гиламдўзлик, зардўзлик, каштачилик, кулолчилик, мискарлик буюмларини ишлаб чиқариш сирлари борасидаги илмий изланишлари диққатга сазовордир.

Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда турли йилларда ташкил этилган илмий экспедиция аъзоларининг алоҳида ўрни бор. 1957 йилдан Қашқадарё воҳасида фаолият юритган собиқ СССР ФА Этнография институти ҳамда 1963 йилдан бошлаб эса ТошДУнинг махсус экспедицияси (КАТЭ) фаолияти натижасида тўпланган моддий манбалар ва улар томонидан яратилган илмий адабиётларда ўлка тарихининг турли соҳалари ва даврларига оид қимматли маълумотларни учратиш мумкин.

Г.А.Пугаченкова ва Л.И.Ремпель фаолияти натижасида яратилган асарларда ҳам Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида, хусусан, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси маданий марказлари, хўжалик турлари, хунармандчиликнинг турли йўналишларида эришилган ютуқлар тўғрисида ҳикоя қилинади [21]. Шунингдек, Р.Г.Муқминова, С.М.Маҳкамова, Б.Х.Кармишева, Т.Н.Томина ва бошқалар томонидан яратилган илмий асарларда уй шароитида ип-газлама, ипакли, ярим ипакли ва тери маҳсулотларидан мато ва кўн тайёрлаш жараёни, уларни бўяш усуллари ҳамда ушбу жараёнда иштирок этувчи хунармандларнинг вазифалари ва яратилган буюмларнинг санъат асари сифатидаги ўрни масалалари таърифланади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейинги даврда халқ амалий санъати тарихига бағишланган илмий асарлар ва олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари мажмуаси ўзбек халқ моддий ва маънавий маданияти тарихини ўрганишда бекиёс аҳамиятга эга. Чунки ушбу илмий асарлар янги назарий методология, янги тарихий тадқиқот усуллари, янгича ёндашувлар асосида яратилган. Тарих ва санъатшунослик соҳаси изланувчилари Ўзбекистон, хусусан, жанубий вилоятлар халқ амалий санъатининг ўзига хос жиҳатлари, соҳадаги мавжуд муаммоларни ўрганишга бағишланган илмий мақола, рисола ва монографиялар нашр эттириб диссертация ишларини ҳимоя қилмоқдалар [4, 22]. Мавзу тарихшунослигида У.Қиличовнинг номзодлик диссертацияси алоҳида ўринни эгаллайди. Муаллиф мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий хунармандчилик соҳаларини қайта тиклаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, минтақаларда миллий хунармандчиликнинг тараққий этиши, устоз-шогирд мактабларининг ташкил этилиши, хунарманд усталарнинг республика кўрик танловлари ўтказилиши каби масалаларни тадқиқ этади [23:29]. Айниқса, С.Булатовнинг асари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, унда халқ амалий санъатининг ҳар бир соҳаси тўғрисида таҳлилий материаллар берилган. Ўзбек халқи амалий безак санъати, хусусан, хунармандчиликнинг ХХ аср охиригача етиб келган турлари, уларда сақланиб қолган қадимги безак турлари, янги элементлар хусусидаги фикрлар баён этилган [8].

Ўзбек халқининг, жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида яшовчи ўзбекларнинг анъанавий кийимлари шаклланиш тарихи ва трансформацияси С.Т.Давлатова томонидан мукамал ўрганилган [11]. Муаллиф воҳада ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари, мато ишлаб чиқариш усуллари, кийимларнинг шаклланиш тарихи, воҳанинг ўзига хос ки-

санъатнинг турли соҳаларини тиклаш ва ривожлантириш ишига жиддий эътибор қаратиб келди. Жамият ҳаётининг турли соҳаларида юз бераётган янгилиниш жараёнлари ўзбек халқининг миллий қадриятлари, анъанавий турмуш тарзи, азалий меҳнат кўникмалари асосида кечмоқда. Ўзбекистонда халқ амалий санъатини ривожлантириш учун ижтимоий-маънавий асос ва минг йилликлар давомида шаклланган халқ тажрибаси мавжуд. Ушбу омиллар ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан соҳани йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди [2, 3, 10]. Бу Ўзбекистонда, жумладан, жанубий вилоятларда халқ амалий санъатининг тикланиши ва ривожланиши, миллий хунармандчиликнинг унутилган баъзи турлари соҳаларини қайта тиклаш борасида қўйилган муҳим ҳуқуқий ва амалий кадам бўлиб, унинг аҳамиятли жиҳатларини илмий тадқиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳар бир тарихий воқеа-ҳодисанинг ўзига хос тарихшунослиги бўлганидек, халқ амалий санъати ва унинг тарихи ҳам тадқиқотчиларнинг изланишларида ўз аксини топган. Мавзунинг тарихшунослиги таҳлили шундан далолат берадики, Ўзбекистон халқ амалий санъатининг мустақиллик йилларида ривожланиши тарихининг қиёсий таҳлиliga бағишланган махсус илмий адабиёт мавжуд эмас. Аммо Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига бағишланган илмий адабиётларда бошқа масалалар қатори амалий санъат масаласи умумий тарзда таҳлил қилинган.

Мавзунинг ёритиш учун этнографик маълумотлар ҳам қимматли моддий манба ҳисобланади. Асрлар оша бизгача етиб келган ушбу моддий манбалар ҳозирда тарих музейи фондлари ва ватандошларимиз бисотида сақланиб келинаётган бўлиб, улар ўзбек халқ анъанавий хунармандчилиги тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин мустамлака ҳудудини мукамал ўрганиш мақсадида ўлкада бир қатор илмий экспедициялар уюштилади. Ушбу илмий экспедициялар натижаси ўлароқ ўлка тарихи ҳамда маҳаллий аҳоли моддий ва маънавий маданиятига бағишланган қатор илмий асарлар вужудга келди. Жумладан, Н.В.Хаников, Б.Н.Литвинов, ва Н.А.Маевлар Ўрта Осиё, хусусан, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида яшовчи аҳолининг турмуш тарзи, халқ амалий санъатининг турли йўналишлари, кийим-кечаклар ва бошқалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга ҳаракат қилганлар. М.Ф.Гаврилова [14], В.Балков [5], С.М.Дудин [13], Б.Никифоров [16], А.А.Семенов [17], О.А.Сухарева [17], Б.И.Веймарн [10], Б.Десятчиков [12], Я.Пономарев [19], Е.М.Пешчерева, Б.В.Вейрман [9], М.А.Бекжонова [6] кабиларнинг асарларида Ўрта Осиё халқлари халқ амалий санъатига оид жуда қимматли маълумотларни учратиш мумкин.

Шунингдек, ушбу асарларда ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, хунармандчилик буюмлари ишлаб чиқариш жараёнлари тарихига оид маълумотлар умумлаштирилади. Асарларда хунармандчилик марказлари, ўзбекларнинг анъанавий хунармандчилиги турлари, у билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнлари, хунармандларнинг уюшмалари, хусусан, кулолчилик, мискарлик, зардўзлик, заргарлик буюмларини тайёрлаш жараёни, хомашё маҳсулотлари, иш қуроллари, шакллари, безаклари тўғрисида

ташкilotлар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйди. Республикамизда таълим тизимини такомиллаштириш ва ўзаро тажриба алмашиш борасида Европа Иттифоқининг Темпус дастури лойиҳалари алоҳида ўрин тутди. 2005 йил Темпус лойиҳаларида республиканинг 30 дан ортиқ олий таълим муассасаси қатнашди. Мазкур таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари Европанинг нуфузли олий таълим муассасаларида малака оширдилар.

Мустақиллик йилларида Қарши давлат университетида ҳам барча соҳаларда янги имкониятлар эшиги очилди. Университетда хорижий давлатларнинг таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини олиб боришда ўзига хос тажриба шаклланиб, бу соҳадаги ишлар йилдан йилга ривожланиб борди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1995 йил 29 августдаги 18-сонли буйруғига мувофиқ Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошида бизнес мактаби ташкил этилди [2]. Шундай мактаб 1997 йил июль ойида Қарши давлат университети қошида ҳам очилди [3:18-19].

Қарши давлат университетида 1997 йил февралда халқаро алоқалар бўлими ташкил этилди. Университет жамоаси тинчлик корпуси билан амалий алоқаларни йўлга қўйди. Тинчлик корпуси вакилларида Тод Миллер, Ян Смит ва Керри Дрессер, Карлсон Дуай университетда катта эътибор қозонишди. 1997 йилда БМТ нинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг бошлиғи Холид Малик мазкур университетда бўлди. 1998 йил январда университетда бозор иқтисодиёти шароитида молия-ҳисоб маълумотларига бағишланган икки кунлик семинар Буюк Британиянинг Ноттингем университети профессори Крис Найт ва Джон Бюглер лойиҳалари бўйича ўтказилди [4:30]. 1998 йил сентябрда эса Қарши давлат университетида Европа экспертларининг ТАСИС дастури бўйича илмий семинар ўтказилди.

Қарши давлат университети илмий жамоаси 1992-1999 йиллар мобайнида Европа Иттифоқининг “Темпус-ТАСИС” лойиҳасида иштирок этиш учун грант олди. 1999-2001 йилларда университетда республика миқёсида 32 та, Литва, Беларусь, Украина, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Туркия, Озарбайжон олий ўқув юртлари билан 16 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларни ташкил этди [2].

1997 йил 16 сентябрда Шаҳрисабзда “Амир Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиё ва Европа” мавзусида ўтказилган халқаро илмий анжуманда Қарши давлат университети ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессор-ўқитувчилари ҳам фаол қатнашдилар. Европа “Тарих” лойиҳаси, Эксетер университети (Англия), Рен-П университети (Франция), Фредериксберг семинарияси (Дания) ва Ўзбекистон олий таълим муассасалари иштирокида ўтказилган бу кўшма халқаро илмий анжуманда Европа ва Марказий Осиёнинг 14 та давлатидан 18 нафар ва мамлакатимиздан 20 нафардан зиёд етакчи олимлар иштирок этди [5:38]. Шунингдек, жорий йилнинг декабрида Тошкент давлат университети, ЎзФА Археология институти олимлари, Халқаро Амир Темур жамғармаси ва Шаҳрисабз ҳокимлиги иштирокида Кеш шаҳар маданияти шаклланиши тарихига бағишланган илмий анжуман ўтказилди. Шу анжуманда Кеш-Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини нишонлаш зарурлиги илмий асослаб

берилди [5:38].

Ўзбекистонда 1997 йил 7 январда тузилган “Умид” жамғармаси ёшларнинг чет мамлакатларда ўқиши ва дунё тажрибасини ўрганишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу жамғарма ажратган грант ҳисобига ёшлар АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Жанубий Корея, Японияга бакалавр ва магистр даражаларини олиш учун ўқишга жалб этилди. Қашқадарёлик ёшлардан ўзбек-турк лицейи ўқувчиси А.Аҳмедов, Қарши давлат университети иқтисод факультети III курс талабаси Гўзал Юсупова Америка Қўшма Штатларига, хорижий тиллар факультети талабаси Собир Ражабов Ҳиндистоннинг Деҳли университетига “Умид” жамғармаси орқали ўқишга юборилди [3:18-19]. 1997-2000 йилларда Қарши давлат университетининг иқтидорли талабаларидан 19 нафари “Умид” жамғармаси танловида қатнашиб, 3 нафар талаба грант совриндори бўлди [6].

Қашқадарё вилоятида бир қатор таълим муассасаларини жиҳозлаш учун Осиё тараққиёти банки, Япония халқаро ҳамкорлик банки, Германия техникавий ҳамкорлик маркази, Европа Иттифоқининг ТАСИС лойиҳаси, Германиянинг КФВ банки маблағлари ажратилди. Натижада вилоятдаги кишлоқ-хўжалик касб-хунар коллежларидан 7 таси Япония, 2 таси Осиё тараққиёт банки, 1 таси Япония ҳукуматининг бегараз ёрдами асосида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Жанубий Корея ҳукумати лойиҳасига вилоятдаги 10 та ўқув муассасалари киритилди. Косон саноат касб-хунар коллежи, Муборак саноат касб-хунар коллежи, Қамаш педагогика коллежи шулар жумласидандир. Лойиҳа 2004-2005 йилларда амалга оширилиб, миқдори 27 миллион АҚШ долларини ташкил этди. АҚШ ҳукуматига қарашли АКСЕЛС марказида “Таълим ҳамкорлик” дастури бўйича мамлакатимиз таълим тизими билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди.

2001 йилга келиб АҚШ ва Ўзбекистондаги коллеж ва мактаб ўқувчиларининг тўғридан тўғри алоқаларини йўлга қўйиш, истеъдодли ўқитувчи кадрларни жаҳонга чиқариш ва тажриба алмашиш ҳамда халқаро алоқаларни ривожлантирган ҳолда янги, янада мукамал ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилди. 2000 йил мазкур дастур бўйича Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарёдан 20 нафар коллеж ва лицей ўқитувчилари АҚШга тажриба алмашиш учун юборилди.

1998 йилда Швейцарияда ўтказилган “Олимпиада ўйинлари болалар нигоҳида” Халқаро кўрик-танловида Яккабоғ тумани 51-мактаб ўқувчиси С.Аҳмедов ва Қамаш тумани боғча тарбияланувчилари Т.Суюнова ва Н.Номозовлар фаол иштирок этди [2].

Хуллас, мустақиллик йилларида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида барча соҳаларда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро алоқалар тизимида таълим соҳасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, Қашқадарё вилояти таълим муассасалари ҳам бу соҳада катта ютуқларни қўлга киритди. Воҳадаги қатор ўқув юртлари бозор иқтисодиёти шароитида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларга жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия бериш мақсадида дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларини йўлга қўйди. Талаба ёшлар шижоати, ташаббуси ва иқтидорини руёбга

чиқариш учун турли хил жамғармалар фаолияти йўлга қўйилиб, уларга катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –45 б.
2. Қашқадарё вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси жорий архиви маълумоти.
3. ЎзРПДАҚВФ, 829 жамғарма, 5-рўйхат, 88-иш, 18-19 варақлар.
4. Жўрақулов О. Қарши давлат университети. - Тошкент: Фан, 1999. –32 б.
5. Жўрақулов О., Раҳматов А. Шахрисабз йилномаси. –Тошкент: Фан, 2007. -123 б.
6. “Қашқадарё” газетаси, 2001.11 июль.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мустақиллик йилларида Қашқадарё вилояти таълим муассасаларининг халқаро алоқаларига доир маълумотлар бирламчи манбаларга таянган ҳолда таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье анализируются международные отношения в сфере образования Кашкадариньской области в годы независимости.

SUMMARY

The information about international relations of the educational institutions of Kashkadarya region during independence years analyzed in this article relying on premiere sources.

Наишга доц. О.Бўриев тавсия этган

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Рахмонкулова О. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: халқ, санъат, тарих, тарихшунослик, маданият, хунармандчилик, заргарлик, устоз.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан сўнг халқ амалий санъати турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш учун янги имкониятлар яратилди. Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишда амалга оширилаётган ислохотлар жамият аъзоларини етук шахс қилиб тарбиялашни талаб этмоқда. Мустақиллик йилларида барча соҳаларда катта ютуқлар қўлга киритилди. Демократик жамият барпо этишдаги бундай одимлар тарих фани олдига муҳим вазибаларни қўйди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Тарих хотираси, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди” [1: 140].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳукумати миллий анъанавий санъатнинг турли соҳаларини тиклаш ва ривожлантириш ишига жиддий эътибор қаратиб келди. Жамият ҳаётининг турли соҳаларида юз бераётган янгиланиш жараёнлари ўзбек халқининг миллий қадриятлари, анъанавий